

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Оила ва жамият

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

Светлана ИНОМОВА — Ўзбекистон Бош вазири
ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Мустақил мамлакатимизда хотин-қизларнинг обрў-эътибори ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ана шундай эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Фармон эркин демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон аёлларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг барча соҳадаги ҳақ-хуқуқларини амалда қафолатлаш борасидаги ишларига бош-қош бўлиб турган Республика Хотин-қизлар кўмитаси олдига масъулиятли вазифаларни юклайди. Бугунги кунда Кўмитанинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири - хотин-қизларнинг жамият сиёсий майдонидаги салоҳиятини оширишга қўмаклашиш, уларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик органларидаги улуштини янада оширишдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг 46-моддасида белгиланган фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойили, энг аввало хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларидаги тенгликни ҳам билдиради.

Ҳўш, бу мақсад-муддаога қандай эришиш мумкин? Бу ишда бизга ким ёрдам беради? Биз, энг аввало, ҳукуматнинг, шахсан юртбошимизнинг эътибори ва қўллаб-қувватлашнинг яққол сезиб туришимиз. "Сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига жиддий ўзгаришлар киритилганлиги барчамизга аён. Бу ўзгариш мамлакат парламентида бўладиган сайловларда қатнашиш учун кўрсатилган номзодларнинг сонида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлишига эришишни назарда tutади. Демак, ҳар бир сиёсий гуруҳ ўз аъзолари таркибидаги энг фаол, ватанпарвар, фидойи ва дунёқарашли кенг аёлларни мамлакат қонун чиқарувчи органи депутатлигига сайланишига тавсия этиши лозим. Бу - биз хотин-қизларнинг сиёсат майдонига

чиқишимиз учун кенг имкониятлар очилганлигидан далолатдир. Бугун мамлакат Қонунчилик палатасига тавсия этилганларнинг 33 фоиздан зиёди, маҳаллий кенгашларнинг депутатлигига кўрсатилганларнинг салкам 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Бу йил ўтадиган сайловлар хотин-қизлар сиёсат майдонида ҳам тўла ўз овозига эга бўлиб, оиласи, фарзандлари манфаатини ҳимоя қилишининг барча йўналишларида фаол иштирок этишларига имкон беради. Бу оддий қоидадан ҳар биримиз англашимиз, сайловларда сайланувчи сифатида ҳам ўзимизга берилган имкониятдан тўла фойдаланишимиз керак.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жорий йилда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг аёллар қаноти билан узвий боғлиқликда сайловларга тайёргарлик кўрди. Зеро, ҳар бир сиёсий партиянинг ҳам сайловолди дастурида хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган талай бандлар бор. Хотин-қизлар кўмиталари жамоат ташкилоти сифатида халқ орасида, маҳалла ва таълим масканларида оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган фаолият кўрсатмоқда. Айнан шу нуқта бизнинг сиёсий партиялар билан умумий қарашларимиз ва ҳаракатларимизда намоён бўлади. Бу ниятлар ва мақсад-муддаолар муштараклиги эса ўз навбатида умумий сиёсий манфаатнинг муштараклигини келтириб чиқаради.

Демак, икки палатали сайловларда хотин-қизларнинг сайловчи сифатидаги фаолликлари муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Конституциямизнинг 18-моддасида эътироф этилганидек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида эътироф этилганидек, "Фуқаролар жинси, ирки ва миллий мансублиги, тили, дин-

га муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар". Яъни, бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги ҳам шундаки, сайлаш ва сайланиш ёшига етган ҳар бир аёл ўз ҳуқуқини тўла намоён этиши мумкин ва лозим. Бундай фаолликдан нафақат хотин-қизлар, уларнинг фарзандлари,

балки, яхлит жамият манфаатдордир.

Бугун мамлакат миқёсида бошланган сайловолди тарғиботи ва ташвиқот ишлари опа-сингилларимизнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалда намоён этишлари қаратилганлиги билан

аҳамиятлидир. Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан айнан шу йўналишда қатор тадбирлар белгиланган. Хусусан, аёлларнинг бўлажак сайловларда фаол иштирок этиши ва ҳар бир оила аъзосининг шу жараёнда онгли суратда қатнашиши олдимишга қўйган мақсадимизнинг рўйида чиқишини кафолатлайди. Агар биз аёллар сайловларга фаол муносабатда бўлсак, энг аввало ўз муаммоларимизни ҳал этишга, ўз ҳақ-хуқуқларимизни тўла ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этадиган опа-сингилларимизни мамлакатнинг олий вакиллик органига аъзо бўлишларини таъминлаган бўламиз. Шунда биз вакилларимиз орқали ўз фуқаролик ҳақ-хуқуқларимизни талаб қилиб оладиган, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ўз нуфузимизни янада юқори кўтарган бўламиз. Чунки жамиятимиз тарққиётига хизмат қиладиган Қонун ҳужжатларида оиланинг, хотин-қизларнинг манфаатлари мужассам бўлади ва уни аёлларимиз ўз зехни, фикри ва мулоҳазаси билан бошқалардан кўра теранроқ англайди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўми-

таси хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик, эркин фуқаролик давлати қурилишининг асосий мезони, деб ҳисоблайди. Шу тўғрисида ҳам мамлакат раҳбарлик, вакиллик органларида ўз ўрнимизга эга бўлишимиз йўлида ҳамжихат бўлишимиз лозим. Бу ишларнинг нечоғлиқ муваффақиятли амалга оширилиши, икки палатали Парламентга бўладиган сайловларда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш хотин-қизлар кўмиталари ва комиссиялари фаоллари, тадбиркор фермер аёллар, зиёллар, маҳалларда яқинда жорий этилган диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига аниқ вазифаларни юклайди.

Хотин-қизлар кўмиталари сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларида фаол иштирок этиб, қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига имкон қадар кўпроқ хотин-қизларнинг сайланишига ҳаракат қилишлари, номзодлари қўйилган опа-сингилларимиз эса хотин-қизларнинг ишончларини оқлаш, сиёсий партия номидан бўладими ёки ташаббускор гуруҳ номиданми, ўз дастурида биринчи навбатда айна худуд, маҳалла ва оиласи манфаатлари, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларидан келиб чиқиб, сиёсий онги ва тафаккури эркакларникидан қолишмаслигини намойиш этишлари, сайловлардаги шахсий иштирокни ўз фуқаролик бурчлари деб қарашлари лозим.

Бу йилги сайловлар барчамизни катта синовдан ўтказди. Биз хотин-қизлар фаоллари биринчи навбатда ушбу катта сиёсий жараёнда опа-сингилларимизнинг, сайлов ёшидаги талаба-қизларнинг шахсан сайловчи сифатида тўла қатнашишларига эришимиз керак. Чунки, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган қизимиз ёки аёлларнинг овоз бериши ва бу жараённинг ўзи унинг сиёсий маданиятининг шаклланиши, ҳуқуқий саводи ошишига имкон беради, юртимиз эркин фуқаролик жамияти сари илдам бораверади. Биз кураётган демократик жамиятнинг гуллаб-яшнаши ҳар биримизнинг онгимиз, интеллектуал салоҳиятимиз ва ижтимоий-сиёсий қиёфамизга, ўқишдаги ва меҳнатдаги ютуғимизга, фидойилигимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.



ОИЛА
ОСТОНАСИДА

- 20 йилдан бери ФХДё бўлимида ишлаб келмоқдаман, - дейди Жиззах шаҳар "Бахт уйи" директори Мунира Каримова-Минглаб жуфтликларга оқ йўл тилаб, ўзим ҳам нечоғлиқ қувонганимни сўз билан изҳор эта олмайман. 2000-йил вилоят ҳокимлиги томонидан 2 қаватли замонавий тилда қурилган "Бахт уйи" Жиззах ёшларига туҳфа этилди. Бундай ҳашамдор бинода никоҳдан ўтишнинг ҳам ўз гашти борда. Бу бари мустақиллигимизнинг меваси, шарофати тўғрисида деб ўйлайман мен.

"Бахт уйи" миз қошида бўлажак ёш келин-куёвларни оилага тайёрлаш учун "Оила дорилфунуни" ўқув машғулотини мунтазам равишда ўтказилиб борилади. Машғулотларни тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар ва маҳалланинг фаол онахонлари ўтказишади. Йил бошидан бери 491 та никоҳ қайд этилди. Никоҳланувчилар юз фоиз тиббий кўрикдан ўтишмоқда. "Бахт уйи" ходимлари Жиззах шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда олийгоҳларда, коллежларда, маҳалла ёшлари ўртасида мунтазам равишда суҳбатлар олиб боришмоқда.

Т. НОРИМОВ

- Мустақил юртимизда биз ёшларга кўрсатилаётган эътибордан, гамхўрликлардан, имкониятлардан чексиз бахтиёрман, - дейди Тошкент Автомобил йўллари институтининг аълочи талабаси Дилфуза Саидолимжон қизи.

- Яқинда туманимизда ўтказилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловига қатнашдим. Келажакда ардоқли шоирамиздек Ватанимиз шайини юксакликка кўтариши мақсад-муддаодир.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Куни кеча Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Наманган вилоят ҳокимлиги, "Оила" марказининг Наманган вилоят бўлими ҳамкорлигида "Оила ва ҳуқуқий маданият: муаммолар ва уларнинг ечими" мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Наманган шаҳрида ўтказилган анжуманда вилоятлар хотин-қизлар кўмиталари раислари, "Оила" Марказининг вилоят бўлими директорлари, вилоят ва туман маҳалла жамғармаси раислари, диний-маърифат ва маънавий-

ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ФХДё мудирлари, Олий ўқув юртлари ҳуқуқшунос педагог профессорлари, ёш олим ва аспирантлар қатнашдилар.

"Икки палатали сайловлар: моҳияти ва аҳамияти ва унда хотин-қизлар иштироки тўғрисида" - Олий Мажлис ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси котиби Ш.Умарова, "Фуқаролик жамияти қуриш жараёнида хотин-қизлар ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини ошириш омиллари ҳақида" Республика "Оила" илмий-амалий Маркази директори, В.Каримо-

Ахборот



Дилфуза Саидолимжон қизи

«Онам беш йилча аввал аҳоли оғирлашиб ётиб қолди. Ҳаммамиз тўрт тарафга чолдик. Тошкент билан Жиззах ораси биз учун чўт бўлмай қолди. Турлича тахмину ташхислар айтилди. Олти ой ичида онам бечоранинг ошқозони нақ дорихона бўлиб кетди. Бир куни кимдир Каттакўрғоннинг Қозоқовул деган гўшасидаги «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида гап тоғиб келди. Уша ёққа йўл олдик. Мўъжиза рўй берди. 15-20 кун ўтиб онам ўзига келди. Шу-шу бутун оиламиз билан «Эргаш ота»га келадиغان бўлдик».

(Жиззахлик Маъруфжон Норматовнинг гаплари).

«Бу марказда 16 кун ётиб гаройиб муолажа усулига гувоҳ бўлдик ва ҳали ўзимиз билмаган касалликлардан ҳам бир йўла фориғ бўлдик...»

(Германиялик эр-хотин Виктор ва Элия Ханштейн).

Очиги, ўзим ҳам ҳамма катори шу масканда 16 кун даволандим. Ун еттинчи куни тиббий марказ бош ҳақими Бердикул Эргашев билан мулоқотда бўлдим.

- Энг аввало марказнинг номи ҳақида изоҳ берсангиз?

- Илоё Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин, Эргаш ота менинг бобом. Бир замонлар машҳур табиб бўлган эканлар. Асли ўзим Иштихоннинг Уйғони деган қишлоғида туғилган бўлганман.

- Касбингиз нима ўзи?

- Шифокорман. Касбим тақозоси билан 1990 йили ажойиб устозим Пак тавсияси билан Хитойга тажриба ошириш учун жўнаб кетдим. Бир йил давомида у ёқда сабоқ олдим.

- Хитой тиббиёти ҳам кўпроқ шарқ тиббиётига, қолаверса табобатига суянади-ку!

- Аслида болалигимданок Ибн Сино китоб-рисолаларини ўқиб, ўзимча ҳар хил ўй-хаёлларда юрардим. Шулар ҳам Хитойда жуда асқотди. Улар Ибн Синонинг мероси ва табобати-

«ЭРГАШ ОТА»НИНГ



ни биздан ҳам кўра кўпроқ қадрлаб, ўрганишар экан.

- Албатта, у ёқдан қайтиб келибқ ўрганган ҳаётий тажрибаларни қўлламагандирсиз?

- Аввал ўз соҳам бўйича озроқ ишладим. Негадир халқ табобати мени ўзига оҳанграбодай тортаверди. Савобталаб инсонлар ёрдам беришди. Ниҳоят, но-анъанавий усулда фаолият юритишга киришдим.

- Қанақа усул бу?

- Жуда оддий. Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз-ку! Ошқозонни оч қолдириш йўли билан, фақат олма шарбати ичириб, ўз кўлим билан тайёрланган махсус малҳам ёрдамида ўнлаб касалликларни даволай бошладим.

- Ҳамма бирдан тузалиб кетмагандир ахир?

- Очигини айтимай, бундан 13 йил аввал ҳам, ҳозир ҳам хузуримга наҳот истаб келган одамнинг тузалиб кетишига кўзим етсагина олиб қоламан. Касаллик зўрайиб кетган бўлса ёки ташхис нотўғри қўйилиб, турли хил муолажалар аралашиб, беморнинг ўзидега касалликни енгилга бўлган қуввати, муҳими иродаси етмаслигини билсам: «Уэр, бошқа йўллар изланг»,

деб очик айтаман...

Ишонасизми, ака, энди иш бошлаган пайтларим Каттакўрғон шаҳрининг ҳозирги Фаробий кўчасидаги бир тор уйчада касалларни қабул қилардим. Учта хона, юздан ортиқ беморлар ижара уйларида ётиб даволанарди. Жуда қийин кечган. Охири Қозоқовулдан туман ҳокимлиги икки ярим гектарча ер ажратган, 1997 йили шу юз ўринли замонавий тиббий марказ қурилди. Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан махсус лицензия берилган, тўла қувват билан ишлаб бошладик.

- Неча кундан бери кузатаяпман—муолажалар деярли бир хил. Лекин беморларнинг касали ҳар хил-ку?

- Ҳамма гап шунда-да. Биз кимни қабул қилсак, аввал шарт қўямиз: ҳеч қандай овқат истемол қилинмайди, чекиш-ичиш қатъиян маън этилади ва фақат олма шарбати ичишни буюрамиз. Биласиз, олмада темир моддаси кўп. Шифобахш хусусияти бир дунё. Энг асосийси, танадаги тузни эритилади. Ҳозир сир эмас, 70-80 фоиз одамда туз миқдори меъёридан баланд. Шунинг оқибатида ҳар хил касалликлар кўпаймоқда.

- Яна бир жиддий савол. Майли, олма шарбатини ҳар ким уйда ичишимиз мумкин. Лекин сиз қўллаётган сирли малҳамни қандай тайёрласа бўлади? Иккинчи бир баҳсли томони, ҳаммага бир хил малҳам ичирилса, таъсири нима бўлади?

- Малҳамнинг уч-тўрт хил тури бор. Касалликлар ҳар хил: бировнинг буйрағида тош бор, яна бошқасининг ошқозонда яра бор, асосийси, шунга қаралади. Яна бир гапни айтишим керак, бу малҳамнинг таркибида 36 хил турдаги компонентлар бор. Зайтун мойидан тортиб лимонгача.

- Яна нималар бор? Тўлиқроқ айтиб бера оласизми?

- Шартми изоҳлашим? Сиз бу малҳамни уй шароитида ҳам тайёрласа бўладимиз, деб сўрадингиз. Қизиқ-да, унда мен тавсия қилаётган малҳамни махсус стационар шароитида одамларнинг саломатлигини тиклаш ниятида қўллаётганимнинг нима кераги бор? Мен айтсам макташи бўлади, ундан кўра 15 кун ё 40 кунлаб ётган одамлардан бир сўраб кўринг... Даволанувчиларнинг бир нечаси билан суҳбатлашдим. Бухоролик Содиқ Рўзиев шундай ҳикоя қилади:

- Мен бормаган жой қолмади. Россияда ҳатто Дубайдаги даволандим. Ҳар хил ташхислар қўйишди, турли муолажалар қилишди. Қанча гул кетсам соғлигим тикланса бўлди, деб дуч келган томонга югурибману, бироқ оёғим остидаги мўъжизакор маскани кўрмабман. Мана, 35 кун деганда дўхтирнинг ўзи «Энди уйга кетсангиз ҳам бўлади», - дегачина Бухорога, ота-онам хузурига жўнапман. Неча йиллардан бери иссиғим кўтарилиб, ҳеч тушмай азоб чекардим. Энди тузалдим...

Ҳафтанинг етти кунидаям Бердикул Эргашевни марказда кўрдим. Охири ўзидан сўрадим: «Нима, сиз тўй-маърака, йиғин-машваратларга бормасизми? Бунинг устига бир ўзингиз юздан ошиқ мижозларни эртдан

кечгача бирма-бир қабул қилиб гаплашасиз, малҳам ичирасиз. Бошқага ишонмайсизми?»

У бўлса одатдагидай яна кўлимсираб гап бошлайди: «Шу инсонлар мени деб шунча жойдан ихлос билан келиб ётибди. Тўйларга бораман, яқинларимни ҳам зиёрат қиламан. Фақат кечкурун ё яқинба куни пешиндан кейин. Малҳамни ичириб қийинмас, лекин ким қандай ҳазм қилади, мен ўзим қабул қилган беморим учун жавобгарман ахир. Марказимизда ўн саккиз нафар тиббиёт ходими бор. Ҳаммаси мен билан баб-баравар масъулиятни ҳис қилади, десам янглишмайман. Гулчехра, Гуллола, Обиджон, Диларфўз, Арша, Гулзор... Қай бирини айтийин, бир оила фарзандларидега ҳаммаси шу даргоҳ остонасини хатлаб келганларга мададқоримиз».

Ҳайрлашаётган куним эндигина қирқни қоралаб бораётган Бердикул Эргашевдан: «Кечаги учрашувда уч-тўрт беморларга имтиёзли даволаниш йўлланмаларим топширдим-гиз. Тузалиб кетаётган одам яна қайтиб келиши шартми?» - деб ҳазил аралаш сўрадим. У бўлса: «Биз ҳар йиғинда шундай йўл тутамиз. Кимнидир чўнтаги кўтармайди, яна биров қатъий парҳез муддатини бузиб қўйиб қайтиб келишига тортинадидега бизнинг озгина мададимиғиза муҳтож бўлади, шундайларимиза ҳисобга оламиз, лекин зинҳор бу хайрияни сиз ўзларини реклама қилиш учун деб тушунманг. Бизга бир келиб кетганлар бошқаларга қандай таърифлашни ўзлари биледи. Бу жойингиз сир-синоати ҳақида сизга қисқача гапирдим, жуда оддий».

Дарвоқе: «Эргаш ота»нинг ҳеч қандай сир-асрори йўқ экан. Ҳар ким ўз саломатлиги қадрига етмоқчи, қолаверса, ўзидега сабру тоқат, ироданинг чегарасини билишниси истаса, шу ёққа тилинавереди. Ўзингиз-чи, дейсизми? Мен эса эрта баҳорда яна Қозоқовулга бораман...

Норқобил ЖАЛИЛ

ШУНДАЙ ЯШАСАНГ...



Суратда: Насим ака шогирдлари билан.

Самарқанд шаҳри Фағур Ғулум маҳалласи фаолларидан бири Насим Қобилов ўзгалар қисматиға бефарқ эмас. Ҳаёт сўқмоқларида адашган одамларға ёрдам қилини чўзишдан эринмайди.

Бир кун Насим аканинг олдиға ўрта ёшли аёл билан бир йигит кириб келишди.

- Мен эрим билан бошқа ўшай олмаман. Мана бу йигит яшам. Яна фарзандларим бор. Уларни эримға ташлаб, ижараға чиқмоқчиман, - деди аёл.

Насим ака аёл гапларини охиригача эшитди. Сўнг:

- Синглим! Жаҳл устида уйдан чиқиб кетибсиз-ку, болаларни ўйламабсиз-да? Рози бўлсангиз, мен эрингиз ва фарзандларингиз билан гаплашиб кўрай, - деди.

Бу гап аёлни ўйлантириб қўйди. Насим ака аралашувидан сўнг, эри билан ярашиб ҳам олди. Ҳозир аёл На-

биллов кўплаб ёшларға устоз ва мураббийдир. Шу боис ота-оналар ундан маслаҳат сўраб туришади.

Маҳалладаги бир аёл ўғли билан ёлғиз яшаркан. Эри бадавлат киши бўлиб, ажралгандан кейин ҳам ўғли учун барча шароитни яратиб берибди. Хаттоки, ёш бўлишиға қарамасдан, ўғлиға машина ҳам совға қилибди. Ўғил эса онасининг гапиға қулоқ солмай қўйибди. Насим ака йигитни чақириб, у билан оталарча самимий суҳбатлашди. Ишға жойлаштириб, тарбиясидан ўзи хабардор бўлиб турди.

Насим аканинг меҳмондўст, файзли хонадони ҳаммиша одамлар билан гавжу. Насим ака айниқса шогирдларига меҳрибон, уларға билганларини ўргатишдан хузур қилади. Чиройли ва мазмунли умр кечирган Насим акаға ҳавас қилдим. Илоё, ҳаммамизға шундай яшаш насиб этсин.

Ўқтам ИБРОҲИМ, Самарқанд шаҳри,

2004 йил



Мулқот ол мулоқот билан

«МУЛОҚОТ» - ОИЛА ДАВРАСИ УЧУН

«Мулоқот» журнали айни пайтда ўзининг ўн беш йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Журнал ўзининг илк сонлариданоқ унут бўла бошлаган аъёнларимиз, урф-одатларимизнинг мазмун-моҳияти ва уларға муносабат тўғрисида «Миллий аъёнлар», «Умири узун удумлар», «Мозийға сафар», «Қадрият» сингари рўнқларда мақолалар бера бошлаган эди.

Журналнинг «Шарқ фалсафасини ўрганайлик», «Адолат қомуси», «Шарқнинг буюк муҳаддислари», «Инсонийлик ҳақида ўйлар» каби рўнқлари остида илмий, оммабоп мақолаларни кўпчилик журналхонлар орзиқиб кутадилар.

Журнал республикамиз Президенти Ислон Каримов олиб бораётган оқилона сиёсатни атрафлича тарғиб-ташвиқ этиш билан биргалликда, давримизнинг энг долзарб ижтимоий муаммолари ва муҳим фикрла-

ри ўз ифодасини топган юртбошимизнинг китобларини, уларда акс этган асосий фикр-мулоҳазаларни кенг қўламда тушунтириш борасида мунтазам иш олиб бормоқда.

Ҳар бир даврнинг ўз ютуқлари, камчиликлари билан биргаллик ўз муаммолари бўлиши ҳам табиийдир. Бундай муаммолар журналнинг иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия, сиёсий партияларнинг фаолияти, демократияни барқарор этиш ва бозор муносабатлари тўғрисидаги мақолаларида имкон қадар қамраб олинмоқда.

«Мулоқот» давримизнинг бозор иқтисодиёти, илм-фан уфқлари, ёшлар тарбияси, ахлоқ ва одоб сингари долзарб муаммоларини мунтазам ёритиб келади. Ҳар бир саҳифа фалсафамиз дурдоналари, ҳикматлар, ҳадислар, ажойиботлар ва фойдали маслаҳатлар билан бойитилади. Шунинг учун ҳам журнал муштарийға катта маънавий қудрат ва руҳий баркамоллик бахш этади.

Азиз юртдошлар! «Мулоқот»ға обуна бўлиб, унинг муштарийлари сафиға қўшилинг.

Рашид РАУПОВ

Обуна — 2005

Бизнинг хонадонда «Оила ва жамият»нинг ҳар бир сонини севиб ўқийсизди. Ўғил-қизлар, келинлар навбатна-навбат газетани ўқиб чиқийсиз.

Ҳаётнинг ўзига яраша қувонч-ташвишлари, ўнқир-чўнқирлари бўлади. Баъзида оиладаги аризмаган нарса учун ёш келин-куёв, қайнона-келиндар ўртасида жанжал учқуни алангага айланади. Оиладаги келин-куёвнинг ажралиши оқибатида болаларнинг тирик етим қолиши ниҳоятда аянчли. Айниқса, ўзим етимликда катта бўлган учун, етимлар ҳақидаги, шунингдек, ўз

ота-оналарига эътибор бермай, уларни қариялар уйига олиб борган тошбағир фарзандлар тўғрисидаги мақолаларни кўзда ёш билан ўқиб чиқаман.

Газетанинг биринчи бетидеги бош мақола, хабар-ахборотдан тортиб, барча рўнқлар остида берилган мақолаларни қанда қилмай ўқийман. Эндилликда мен ҳам қалам, қоғоз олиб ўз фикр-мулоҳазаларимни семимли газетамға юборишни режалаш қўйдим.

Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

"Болалар уйининг боласи"... Қачон шу кўшиқни эшитса, Фаррухнинг юраги бир орзиқиб кетади. Кўзларига ёш тўлади. Ҳа маъсум болалик йиллари ёдига тушади. Бир пайтлар у ҳам болалар уйининг боласи бўлган. Болалар уйининг даргоҳи кенг, аммо ота-она бағридек кенг, иссиқ бўла олармикан?! Болалар уйида ҳам ош-нон мўл, унинг тарбиячилари ҳам меҳрли, мурувватли, аммо ота-она топиб едирган нондек тотли, ота-она меҳри муҳаббатидан ҳам зиёда, азизроқ бўлолармикан?! Орадан йиллар ўтди. Фаррух ҳам улғайиб, вояга етди. Оила қурди. Ҳа Фурқатжонга ота бўлди. Ишлаб, оиласини бинойидек тебратди. Буларнинг барчасига осонликча эришгани йўқ. Аммо ҳамон ота дийдорини, она меҳрини кўмсаб яшайди.

Фаррух болалик йилларини жуда кўп эслайди. Энтикиби, хўрсиниб эслайди. Ҳа пайтларда дадаси, аяси, укаси Бобуржон - ҳаммалари бир оила бўлиб бахтли ҳаёт кечиришарди. Дадаси Комилжон ака ўзининг каттақон юк машинасида узоқ шаҳарлардан бирига "рейс"га қатар, яхшигина пул топиб оиласини ҳеч нарсага зориктирмай боқарди. Эсида, дадаси бир кун ана шундай сафарларнинг биридан бир дунё совга-саломлар билан тўлиб-тошиб қайтди. Фаррухга орқага осиб юрадиган сурати бор папка, Бобуржонга эса ёнидаги мурватини бурасанг ўзи юрар узун уйинчоқ поезд, аясига ҳам алланималар олиб келганди. Ҳар сафар дадаси келган кун нақ байрамга айланиб кетарди. Дадаси сафарга кетган пайтлари кўпинча уларникига аясининг Малоҳат исми дугонаси тез-тез келиб турар, баъзан кечгача, баъзан эрталабгача қолиб кетар эди.

Малоҳат Комилжон ака борида камдан-кам келарди. Комилжон ака уни сира ёқтирмас: "Шу дугонанг менга сира ёқмайди-да. Яхши аёл бўлса болаларини "детдом"га бериб ёлғиз ўзи

олиб кетгани келдим. Синфдош дугоналаримиз ҳам келишди. Юракол", - деди Малоҳат. "Йўқ боролмайман, болаларим ёлғиз. Бу ёғи кеч ҳам кириб қолди, бошқа сафар борарман",

"Дадажон кетманг, энди бизни ташлаб кетманг. Сиз кетсангиз, Малоҳат холам келиши яна аямни олиб кетади. Биз укам иккаламиз кўрқамиз", - деди йўғлаб юборди.

М.ЛОХАЗА.
М.НОХАДА.
М.НОХАЗА.

лари ҳам кўпайди. Маош пулларидан, ундан ташқари тушган тушум пулларида чегириб, йиғиб кўп қаватли уйлاردан бир хонали уй ҳам сотиб олди. Автосарой раҳбарияти ҳам бу меҳнаткаш йигитни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Ўзи севган кизига уйлантириб ҳам қўйишди. У энди укаси Бобуржонни ҳам тез-тез йўқлаб кўриб келади. Унинг кўнглида яна бир ниёти бор. Бобуржон ҳам яқинда мактабни тугатади. Уни ўзи хоҳлаган ўқишга киргизса, сўнг уйлантириб қўйса. Дадаси йўқлигини билдирмас, ўғай отаси таънасини эшитмас. Баъзан дадасини уйлаб кечалари ухламай чиқади. "Тирикмикан, нахотки мени, Бобуржонни кўргиси келмаси, балки ўша ёлғизларда уйланиб, бола-чақали бўлиб кетгандир", - хаёлга бериллади. У ҳаётни, одамларни севиб яшайди.

Яқинда тақдири Фаррухникига ўхшаш бир йигит билан суҳбатлашдим. "Опа, мен уни автобусда, шаҳарда кўрдим", - дейди. "Кимни?", - сўрадим мен. - "Санобарни", - деди яна у. "Нега, ундай дейсан, ахир у сенинг онанг-ку, аямни дегин", - десам. -"Аям бўлганда мени ташлаб кетармиди, "а" дея олмайман уни", - дейди. Мана натижаси, фарзандини ташлаб кетган энгилтак онага бундан ортиқ жазо бормикан?! Мен фарзандини ташлаб, етим-хона эшигидан чиқиб кетаётган ота-оналарга аввалом бор инсоф тилайман ва шундай дегим келади. "Қайтинг! Орқанингиз бир қаранг-а, дарвоза ортида кўзларидан ёш милтираб турган фарзандингизга бир боқинг! Зора, раҳмингиз келиб кўнглингиз эриса!

Дилбар ЭРНАЗАРОВА,
Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳри.

БОЛАЛАР УЙИНИНГ БОЛАСИ



яшармиди. Мана юрибди саёқ бўлиб. Худо билади, болалари у ёқдан қандай одам бўлиб чиқади", - деб койнарди аясига. "Нима қилай, уйга келган одамни "келма", дея олмайман-ку", - дерди аяси ҳам қуйиб-пишиб. Ҳа шунда ҳам дадаси ишга кетган, кечки овқат маҳали эди. Малоҳат кириб келди. "Кел, ўтир, овқатланамиз", - деди аяси уни дастурхонга таклиф қилиб. "Йўқ, ўртоқжон, бугун менинг туғилган куним. Сени

аюси шунча оёқ тираб туриб олса ҳам Малоҳат тихирлик қилиб кўнмади. Ноилоҳ қолган аяси: "Мен тезда келаман. Эшикни ҳеч кимга очманглар", - деб чиқиб кетди. Аяси кетгач, Фаррух Бобуржонни уйнатиб ўтирди. У ухлаб қолгач, ўзи ҳам "тиқ" этса эшикка қараб кўрқа-писа ўтириб, ухлаб қолди. Шу кўйи аяси тонг азонда ҳамма уйкуда маҳалла кириб келди. Фаррухни кучиб хўнграб-хўнграб йўғлади. У тинмай Малоҳатни қарғар, алданганини айтиб йўғларди. Фаррух хайрон бўлганча аясига термулиб турарди. Аясининг Малоҳатга алданиб, бегона эркак ва аёллар даврасига кириб қолиб, ичкилик таъсирида гуноҳ ишга ботганини ўша топда унинг мурғак кўнгли қаёқдан ҳам билсин. Кўнлаб ўтиб дадаси ҳам келди. Бағрига отилган ўғилларини кучиб, эркалади. Ҳар доим очилиб, сочилиб кутиб оладиган хотинини бир чеккада хомуш, мунғайиб турганини кўриб хайрон қолди. "Нима бўлди, мен йўғимда бирор кор-ҳол, юз бердимми?" - сўради дадаси. Болалар ёлғон гапиришмайди, ростини айтиб қўя қолишади.

Комилжон ака турган жойида сerratийб қолди. Шу кўндан бошлаб уйларидадан файз кетди. Орадан 3-4 кун ўтиб эрталаб дадаси Фаррухни ёнига чақирди. "Мен яна кетяпман. Укангга яхшилаб қара, ҳеч нарсадан кўрқма, ахир сен йўғитсан-ку", - деб елкасидан кучди, юзларидан ўпди. Кўзларидан ёш сизиб, уйдан бутунлай чиқиб кетди. Онаси ҳам ишга кирди. Эрта кетиб кеч қайтади. У энди илгаригидай мўмин, юввош аёл эмас, жиззакчи, сал нарсага жаҳли чиқар, камгап эди. Баъзан аяси ишдан кеч қайтадиган бўлиб қолди. Шундай пайтларда Фаррух ва укаси оч-наҳор ухлаб қолишарди. Бир кун аяси Фаррухни болалар уйига олиб борди ва уни ўша ерга ташлаб кетди. Ўзи эса узоқ туманлардан бирига эрга тегиб кетди. Бобурни ўзи билан олиб кетди. Фаррух кўзида ёш билан қолаверди. У шу ерда ўқиб мактабни тугатди. Кўпинча бўш пайтлари шу яқин орада жойлашган автосаройга кириб турар, машина тугатадиган усталарга ул-бул ишда ёрдам бериб турарди. Улар ҳам Фаррухга ўрганиб қолишган эди. Фаррух ўқишга кирмоқчи бўлди, кейин бу ниётидан қайтди. Аввал ишга кириб, пул тўплаб уй олишни ниёт қилди. Ўқиш қочмас деб ўйлади у. У автосаройга ишга кирди. Тиришиб, чин дилдан меҳнат қилди. Тез орада машина тугатишни жуда яхши ўзлаштириб олди. Хўнар ўргатган устози ҳам уни қўллаб, энди ўзи мустақил ишлай бошлади. Тез орада унинг миҳоз-

Бир онанинг қабр тошига ушбу сўзлар битилган экан: **"Она - осмон, унинг оғирлиги ҳеч вақт елкамизга тушмайди".**

81 ёши қаршилаган Онахон ая Хожимуродова шажаримизнинг Аббосов кўчаси, 183-уйда истиқомат қиладилар.

ПИРУ БАДАВЛАТ ОНАХОН

Ўзлари Тожикистоннинг Ғулакандоз қишлоғида туғилиб ўсиб, 17 ёшида сўлим Бекободга келин бўлиб тушганларидан буён ҳам анча сувлар оқиб ўтди. Хозир улар 5 ўғил, 4 киз қўриб, 42 нафар неварга, 60 нафар эвара ва бир чеварали бўлиб ўтирибди.

Онахон аяни "Оча-оча" дея барча ҳурмат-иззат билан тилга олади. Эл ҳавас қилса қилгулиқ, маслаҳат олса олгулиқ ўғил-қизлари ҳаммаша парвона, ҳол-аҳволларидан хабардор. Қизларининг бари уйли-жойли. Тўнғич фарзандлари Хожимурод ака ҳамда Ойлар опа қариллик нафақасида. Кейинги 4 нафар ўғиллари, яна 4 нафар неваралари шажаримиздаги автобус-такси саройида меҳнат қилишади. Уматқул ака Хожимуродовнинг "Бекобод-Зафар-Ғалаба" йўналишида ҳайдовчилик қилаётганларига ҳам 25 йилдан ошди. Юсуфжон ака "Бекобод-Ширин"да, Юнусали газ таъминотчиси, кенжалари Ашуралдиннинг эса меҳнат жамоасида ўрни бекиёс. "От ўрнини той босар", деганларидек, неваралар ҳам ота изидан кетишган. Уматқул аканинг ўғли Илҳомжон ҳам "Бекобод-Ширин" йўналишида. Юсуфжон аканинг фарзандлари Баҳромжон ва Эркинжонлар ўз иш фаолиятларини шу даргоҳда бошлашган. "Умр қисқа, лекин инсон ўз фарзандлари тимсолида

қайта яшай бошлайди", деб ёзган экан бир аллома. Не ажаб, умри фақат меҳнат билан адоқ топган, 68 ёшида оламдан кўз юмган марҳум оталари Хайдарали Хожимуродов тимсоли шу фарзандлар, улар меҳнатда так-

Яхшилардан сўз очдик



рор яшаётган бўлса...
"Очам"дан сўрайман:
- Бахтлимийсиз?
- Албатта, болам, - дейдилар. - Бир этак ўғил-қиз ўстирдим, бир-биридан меҳроқибатли келинларим, неварга келинларим бор. Тинч-хотиржамлигим, эл-юрт осойишталиги, соғ-омон бор эканимиз - буларнинг бари бахт!
Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин, Ажин тушсин, юзларига доғ тушсин. Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан Кўлига бир асо, таёқ тушсин.
Матлуба ТУРСУНБӨ ҚИЗИ,
Бекобод шаҳри.



МАШАҚҚАТНИНГ МУКОФОТИ БОР

- Саксон беш йиллик ҳаёт йўлида яхши кўнларни ҳам, оғир кўнларни ҳам кўрдик, - дейди Назира ая Жалилова. - Ахир не-не оғир йиллар ўтмади. Чўчимадим, чекиммадим. Машаққатларга дош бериб олдинда боравердим. Она сифатида, педагог сифатида замондошларимизга бир-икки оғиз ўз сўзимни айтсам...
- Биз оналар боланинг қалбида ўзига нис-

батан ишончини уйғота олсак, у ўз-ўзидан дарсларни пухта ўзлаштирадиган, шунингдек жасур ва журъатли бўла болади. "Сен ҳар бир ишни уддалайсан!" деган гапни айниқса ўғилларимизга тез-тез айтиб туришимиз зарур.

Айтишларича, Япония мактабларида шундай бир одат бор экан. Ерга урса кўкка салғичидиган шўх, сўзлаётганида кўзингга тик қараб турадиган болақайларни йиғиб алоҳида синф қилишаркан. Мўмин-қобил, бўш-баёвроқ ўғил-қизларни эса бошқа бир синфга жамлашаркан. "Ўжарлар синфи"га қучайтирилган тарбия ва ўқув усуллари қўлланиларкан. Япон олимларининг фикрича, шундай болалардан келгусида жасур ва курашчан кишилар етишиб чиқармиш!
Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 1-мактабни кўпчили: "Опанинг мактаби!" деб атайдилар. Назира Жалилова бир пайтлар Эски шаҳардан то шу тумандаги қишлоққача олиб йўл босиб қатнарди. Юрагида ўти бор эди. Касбини сеवार, машаққатларни енигишда шу нарса унга кўмак берарди. Кўп йиллик педагогик тажрибаси эса эндиликда набиралар тарбиясида унга қўл келмоқда.

Г.ЖАМИЛОВА

ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАР ТАНЛАНДИ

Шу йилнинг октябр ойида республика-миздаги БМТнинг халқаро Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), ҳамда Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан энг яхши болалар асарлари учун танлов эълон қилинганди.
Яқинда мазкур танловнинг дастлабки босқичи якунланди. Танловга юборилган асарлар кўриб чиқилиб, яхшилари саралаб олинди. Тақдим этилган асарлар болалар саломатлигини асраш, турли касалликларнинг олдини олиш,

гиёна қондаларига риоб қилиш каби мазмуларни қамраб олиб, расмлар, хикоя, эртак ва шеърларда ўз ифодасини топиши танловнинг асосий шартларидан бири эди.
Мазкур танловда энг яхши, деб топилган асарлар 2005 йилнинг 1 июн, Халқаро болалар кўнига бағишланган китоб ҳолида чоп этилади ва Ўзбекистон бўйлаб тарқатилади.
Ўз муҳбиримиз

Ахборот

Тахририятимизга ёши анча ўтиб қолган аёл иккита набирасини етаклаб кириб келди. У анча гаплашиб ўтириб, ўзи ҳаётда жуда яхши яшаганини, аммо, кенжа ўғлининг турмуши бузилиш арафасида эканлигини айтди.

- Мана шу иккита набирам учун келинимнинг гуноҳини ҳам кечирдим. Ўғлимга ҳам ярашиб кетишларини айта-айта чарчадим. Кексайганимда энди хотиржамгина тоат-ибодатимни қилиб ўтираман, деб ўйлагандим, - дея ҳасратини тўкиб солганди. Маълум бўлишича, келинининг хиёнати туфайли ўғли хотинини кечирмаган эмиш. Келин отасиникида экан. - Аммо, ўғлим қизларини кўрганда жуда хурсанд бўлади. Уларни жуда яхши кўради. Мана шулар учун ҳам улар яшаб кетишлари мумкин, бироқ, келин қилар ишни қилиб қўйиб, сира бўйин эгмай демайди-да, - деди у сўзини ниҳоялаб. Эр хотини, онахон ва ўша кишини чақиртириб анча гаплашдик. Эри оғир-вазмин инсон экан. У билан алоҳида гаплашганимда: "Нима қилай опа? Тақдиримда бор экан. Лекин энди мана бундай ширин қизалоқларни қаердан толаман? Улардан кечиш... Мен учун азоб-ку! Агар хотиним ярашса, мен четқондан уй олиб чиқиб кетишим мумкин. Чунки, ўзбекчилик, бўёги маҳалла-қўй дегандек... Барибир ортимиздан гапиради-да...", - деди хўрсиниб. Аёл эса бутунлай ўзга олам экан. У ўзини айбдор деб ўйламагани сўзларидан кўриниб турарди.

- Эрим дўконда ишлайди. Мен эртадан кечгача уйдаман. Тонг қоронғусида кетиб, тунда уйга кириб келади. Тўғри, рўзгорни таъминлаб қўйган. Қайнона-қайнонам алоҳида уй ҳам олиб беришган. Лекин, мен ҳам инсон эдим-ку. Бирор марта фарзандларимиз, уй-рўзгордаги ишлар ҳақида гаплашмаганимиз. Келади-ю, овқатлашиб шу жойнинг ўзидаёқ ўтиб ўлаб қолади. Эрталаб эса яна шоша-пиша ишга кетади. Мен эрминим ёмон демайман, аммо, аёли сифатида озгина меҳр-эътиборга наҳотки лойиқ бўлмасам? Тенгдош кўни-қўшилларимиз, баъзан биргаликда меҳмонга боришади, болаларини айлантиргани олиб чиқишади. Уларга ҳавасим келади. Бир-бирини жуда авайлашади. Мен эса ҳамма ёлғизман. Бир кун электр ҳисоблагичимизни текширишга келган киши билан танишиб қолдим. Шу кун оғир касал бўлиб, иситмалаб ётгандим. Ошхонага зўрга чиқиб ўтирсам, кувурдан бирдангача сув отилиб чиқиб, ҳаммаёқ сувга тўлди. Пастдаги қўшилларимиз тўполоқ қилиб чиқиб келишди. Мен иложсиз қолгандим. Шунда дафтарга нималарнидир ёзаётган ҳалиги киши сумкасидан асбобларни олиб бирпасда кувурни тузатиб берди. Сўнг музлатқичимизнинг четида резинкаси осилиб ётганини кўрди-да, сумкасини кавлаштириб топиб, уни ҳам ўзгартириб берди. Бу пайтга келиб мен беҳол бўлиб қолгандим. Унга: "Ака, илтмос, "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилиб беринг. Келиб уколимни қилиб кетишсин ҳеч бўлмаса" - деб ялдиндим. У эса:

- Синглим! Қандай дориларингиз бор? - деб сўради. Мен столнинг устидаги дориларни кўрсатдим. Унинг бундан ҳам хабари бор экан, бирпасда қўлимдаги венамга укол юборди. Мен оғриқни ҳам сезмадим. Кейин унга миннатдорчилик билдириб, электрнинг пу-

лини ва қилган ишларининг ҳақини бериб юбордим. У кетди. Мен эса ҳайрон эдим. Бу одам бирпасда узилган, бузилган буюмларимизни тузатиб кетди. Қўли гул экан-да, - деб ўйладим. Орадан анча вақт ўтгач, яна келди. Бу гал у тикув машинамни ва ваннадаги анчадан бўён латта билан ўраб сувини беркитиб қўйган кранимизни тузатиб кетди. Яшириб нима қиламан? Шу келишида ҳожатхонадаги сув крани ишламаслигини кўриб кетган экан. Бир гал келиб уни ҳам тузатиб берди. Янги пардалар олган бўлсак-да, ҳали карнизлар қоқилмаганди. Мен ҳам буни қиладиган устани қайдан излашни

ўйлардим. Кейин билсам эри ҳам, қарчигаёдек қайнилари ҳам бор экан.

- Нега энди бундай деб ўйладингиз? Ёки аёл билан...

- Йўқ, ҳаёлимга нопок фикр келган эмас. Унинг уйдаги эркак киши оддий асбоблар билан бир зумда бажариши мумкин бўлган ишлар қалашиб ётганини кўрганим учун шундай деб ўйлагандим. Очигини айтсам, нафақат ўзининг уйимда, балки, ўзгаларнинг уйда бузилиб ётган, синган нарсаларни кўрсам ҳам ҳаҳлим чиқиб кетади. Шуларни тузатарканман ёмон иш қилмаётганимни билардим. Тўғрсини айтсам, "Агар эри йўқ бўлса, бир гаплашиб кўрсам бўлар экан", - деган гапни ҳам ўйлаганман. Лекин ҳали айтишга улгурмагандим, - деди. Унинг бу сўзларини эшитиб ўтирган эрининг

ранги бўзариб кетди. Аммо сир бой бермади.

- Бу гапларга нима дейсиз? Ахир ўглингиз хатто, жўмак тузатишни билмас экан. Ўзининг қўлидан келмаса, бирор-та устани олиб келиб тузатириши мумкин эмасми?

- деди онахонага юзланиб. Она мулзам бўлди, индамай, ерга қаради. Угли эса:

- Энди шу арзимаган нарсаларни деб...Оилани бузиш, бегона одамга шуларни қилдириш шартми? - деди тўнғиллаб.

Эрининг бу гапларини эшитган аёл тутатиб кетди:

- Нима? Шулар арзимаган нарса бўлдики ҳали? Шу арзимаган нарсаларни тузатиригим учун, мени бузукқа чиқардинглар. Уйдаги ҳамма нарсани эплаб бажариб юрганим учун, ҳамма эркакларни эримга ўхшаган ландавур, ношуд бўлади, деб ўйларканман. Аммо адашибман. Мана бу эркак эса мен учун ойлаб ташвиш келтирган муаммоларимни бир зумда бартараф қилиб берди. Қўлидан ҳамма иш келади, қўли гул эркаклар хурматга лойиқ, деб биламан, - деди.

- Синглим! Мана, қайнонангиз сизларни яраштириш учун тахририятга келибди. Ҳамма гапларни очик-ойдин гаплашиб ҳам олдик. Ярашиш ҳақида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим, - деб сўрадим.

- Мен энди бу ҳақда ўйлаб кўраман. Нега энди рўзгордаги бир иш қўлидан келмайдиган эркак билан яшашим керак? Мен чўчваранинг хамирини қалинроқ ёйсам ёки паловим сал ўхшалмай қолса сўкиш эшитаман, нега энди уйда қўлини совуқ сувга ҳам урмайдиган эркак беайб бўлар экан? Эримнинг шундайлиги сабабли номин "бузук"қа чиқди ахир. Эр-ухотин қўш хўкиз бўлиши керак эмасми? Ахир йигит кишига кирк хунар оз дейилган-ку!

У қўзда ёш билан шу сўзларни айттаркан, қизларини етаклаб хонадан чиқиб кетди. Қолганлар она, ўғил ва ўша электрик ҳам аёлнинг ортидан бирин-кетин чиқиб кетишди.

Ҳар ким ўзича ҳақман дейди-ю аммо... Аёл пишир-қуйдир, кирчир, уй тозалашу бола тарбиясигача эпласа-ю, эр эса ошхонадаги битта жўмакни ҳам эплаб тузата олмас?

Ахир қизларни турмушга узатишдан олдин бичиш-тикиш, пазандалик, ахлоқ-одоб ўргатилади. Нега энди йигитлар уйланишдан олдин ўша кирк хунарнинг ярмини-да ўрганишмайди? Эр ўз ишини, аёл ҳам ўз ишини эплаши керак.

Азиз мухлислар! Сизнинг хонадонгизда эру-хотиннинг вазифалари қандай тақсимланган? Ана шулар ҳақидаги фикрингизни кутамиз.

БАСИРА

ЙИГИТ КИШИГА



ЖўМАК
ТАШРИФЛАРИНГИЗ...
ХУНАР

билмасдим. Ўша кишидан: "Карниз қоқишни биласизми?" - деб сўрадим. У билишини айтди. Шундан кейин ҳамма уйимизга, хатто, ошхонамгача карниз қоқиб берди. Етмаганини ўзи бозордан олиб келиб ҳам берди. Лекин бу хизматлари учун ҳақ олмади. Айтишича, аёли вафот этган экан. Биргина ўғли ҳарбий бўлиб, олисда, Сурхондарёда яшаб экан. Эрим эса мен пардаларни осиб, уйимизни шинам қилиб ясаганимга ҳам эътибор бермади. Кейинчалик эса қайнонамга: "Келинингизнинг олдида бир киши келиб туради", - деб етказишди. Бир кун у келганида электр ҳисоблагичимизни ичкарига олиб кириб ўрнатиб беришини сўрадим. У бирпасда буни ҳам бажариб берди. Ишини туғатиб, энди эшикдан чиқаётганида қайнонам билан қайним кириб келишди-да:

- Мана, охири қўлга ҳам тушдинглар! - дея шовқин кўтаришди. Гўёки бу одам менинг ҳаммаминим эмиш. Бу воқеа бир пасда ҳамма ёққа тарқалди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен ахир нима айб қилибман ўзи? Бор-йўқ айбим уйимдаги нарсаларни тузатириганимми? Хатто, унинг исминини ҳам билмасам. Бечора уларни инсофга келтириш учун кўп уринди. Лекин бўлмади.

Келинининг гапида ҳам жон бордек эди, назаримда.

Кейин бир четда бошини эгиб ўтирган, бу моҳаролар чиқишга сабабчи бўлган киши, яъни, электрик билан ҳам гаплашарканман:

- Сиз бу ёш оиланинг бузилиб кетишида ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми? - дея сўрадим.

- Очигини айтсам мен ўша қайнонаси жанжал қилган кунгача бу аёлни бева, эри йўқ бўлса керак, деб

АЁЛ ҚАДРИНИ БИЛСА...

Ишхонамизга бир аёл пардоз-андоз буюмларини сотиш учун олиб келди. Биз аёллар бир-бирдан чиройли ва мўъжаз қўтичаларга жойлаштирилган турли атир, упа, лаб бўёқларини ҳавас билан томоша қилардик. Аммо, уларнинг нархини эшитиб иккиланиб, танлаган нарсамизни хўрсинибгина жойига қўйиб қўярдик. У аёл эса буюмларини тинмай мақтаркан:

- Инсон аввало ўзини севиши, ўз қадрини билиши керак. Айниқса, аёл киши Оллоҳ бахш этган гўзаллигини асраши, авайлаши керак. Тўғри, булар анча қиммат, аммо аёл гўзаллиги билан қадрли. Яна сизлар ҳам бир мижозимнинг аҳволига тушиб қолманглар, - деб қолди.

Кимдир қизиқиб: - У қандай аҳволга тушиб қолган? - деб сўради.

- Бир кун нуфузли қорхонага бордим. У ерда асосан аёллар ишлашаркан. Аёллар ўзларига нарсаларни танлаб олишар-ётганида, уларнинг раҳбари, кўркамгина бир эркак келиб қолди. Мен ўнгайсизланиб столнинг устида ёйилиб ётган нарсаларимни йиғиштира бошладим. Лекин у менга:

- Илтмос, менинг кабинетимга ҳам бир кирсангиз, - деди. Мен кирдим.

- Пардоз-андоз буюмларингиз жуда яхши, сифатлига ўхшайди. Мен сизга иккита аёлнинг манзилини бераман. Уларнинг биттаси менинг хотиним. Очигини



айтсам хотиним тадбир ўзига қарамайди. У билан бирор умурларга, тўй-томошаларга боргани уяламан. Зора хотиним мана шулардан фойдаланиб ўзини эпаккага келтириб олса... Тўғри, уй-рўзгорни эплашда унга етадигани йўқ. Лекин ўзини ҳам унутмасан дейман-да. Хотинимга бу пардоз-андозларни кўрсатинг, қайсисини олиши ҳақида маслаҳат беринг. 300 долларликча бўлган миқдордагисини танлаб олаверсин. Яна биттаси эса... Қимлигини айтишим шарт эмасдир. Унга 100 долларлик нарса беринг. Ҳисоб-китобини кейин қиламиз, - деди.

Эркак маъноли жилмайганича ўша аёлнинг ҳам манзилини берди.

Менга олувчининг ҳам, кимлигининг ҳам аҳамияти йўқ, молимни сотсам бўлди-да.

Айтилган манзиллар бўйича бордим. Биринчи манзилда, яъни унинг уйда менга эшикни сочлари пахмайган, ноҳушвор семирман, юзлари ҳам буришган, бир аҳволдаги аёл очди. Мен унга 300 долларча бўлган махсулотни танлаб олиши мумкинлигини, буларнинг ҳаммаси унинг юзи, бўйни, сочи, қўллари, тана териси қарвариши учун заруриликни тушунтириб қардим. Аммо аёл буюмларни ижиклаб бир соат кавлаштириб қараб чиқди. Охирида жарвай-жарвай ўзига арзон-гаровгина битта кремни танлаб олди-да, бошқа нарсаларни: "Жудаям қиммат экан!" - дея қайтариб юборди. Шундан сўнг эркак берган иккинчи манзилга ҳам бордим. Бу хонадонда эшикни қўлиққина ёш бир жувон очди. У қоматига мос кийган, сочлари, юз-кўзлари маромига етказиб пардоз қилинганди. Мен унга бу ерга кимнинг тавсияси билан нима мақсадда келганимни айтиб, буюмларимни кўрсата бошладим.

Шу десангиз, жувоннинг қўзлари ёниб кетди. Гарчи 100 долларлик нарса олиши мумкинлигини эслатган бўлсам ҳам у 375 долларлик буюмларни олди. Бориб эркакка бўлган воқеаларни айтиб бердим. У: "Ана, бу аёлларнинг фарқини кўрдингизми? Менинг хотиним ўзига қарашни билмайди, қадрини пулдан паст кўради. Ана шунақа-да!" - деди хўрсиниб.

Чиндан ҳам биз рўзгор деб, ўзимизни, аёллигимизни ҳам унутиб қўямиз. Эркаклар эса... Барибир ўзига қараб юрган, нафосатли аёлларни ёқтиришади. Шундан кейин сотувчи аёлнинг қўтисидagi ҳамма буюмлар ҳамкасбларимиз томонидан харид қилинди.

ГУЛБАШАҚАР

ТЕНГ ТЕНГИ БИЛАН

«Кеч очилган кўзлар» 36-сон
ЭСЛАТМА: Ёшим 35ла. Оилалари эркак билан 10 йилдан буён ноқонуний, яшашинча яшаб юрган эдим. Яқинда у: «Мен болаларим, оиламдан воз кетмайман. Сенга уйланомайман», - деб ўш Россия жўнаворди. Мен эса ўшга умримга ачинаман.
 Муаллиф: С.ФАХРИДИНОВА

Опахон, яхшигина ишингиз, ота-онангиз, опа-укаларингиз бор экан. Менимча, қадди-қоматингиз ҳам чакки бўлмаса керак. Хўш, нега энди бўйдоқ йигитлар туриб, оилалари эркакка осилдингиз. Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Ахир бу умр савдоси эди-ку! Тўғри, ёшлиқда ёқтириш деган бегубор ҳиссиёт ҳар кимда бўлади. Лекин бу ҳали севги деган эмас. Биласизми, инсон сал ёши ўтгандан сўнг ўзини ёлғиз ҳис қила бошлайди. Агар психологик нуқтаи назардан қарасак, баъзи ёшларимиз руҳий ёлғизликдан зерикадилар. Одамови бўлади ёки кимгадир дардини айтгиси келади. Менимча, ана шу тўғри. Сизга дўст, ҳамроҳ, сирдош бўлиб қолган. Ва натижада, сиз унга ўрганиб қолган-

сиз. Хўп, сиз уни севдингиз ҳам дейлик, лекин у шунга арзирмикан? Оиласи бўла туриб, сизга севги изҳор қилибдими, бу гапни бошқаларга ҳам айтиши мумкинлигини ўйламадингизми? Сиз ўқиган, зиёли, тушунадиган ақлли қизга ўхшайсиз. Мен фақат сизни айбдор демоқчи эмасман, лекин «гунаҳини кўз сузма-са, буқа ипини узмайди»-да. Сиз бу ёғига ҳаммасини унутиб, иродали бўлинг. Энг асосийси, давланиб яхши бир хонадон бекаси бўлишга, жажжи фарзандлар онаси бўлишга ҳаракат қилинг. Аёл гўзаллиги унинг нафосатида, одоб, ахлоқидир. Бу бири кам дунёда ким ҳам адашмайдиган ақли қизга ўхшайсиз. Мана қанча-қанчалари ўз ўрнини топиб кетяпти, ажабмас сиз ҳам ўз бахтингизни топсангиз. Сизни йўлдан оздирган ўша Н. акангиздан шундай ўч олингиз (албатта яхши йўл билан) у сизни кўрганда ёки исмингизни эшитиб қолганда афсус, армон қилсин. Илоё, яхши ниятлар сизга ҳамроҳ, омад ёр бўлсин.
Диларфўзон УСМОНОВА, Самарқанд вилояти, Булуғтур тумани, Фозил Йўлдош ж/х.



ОНАМНИ ХУРМАТ

Бу мақолани икки бора ўқиб чиқдим. Аёл онасининг ўлган кунини хотирлаб ота уйига борса, эшик кулф экан. Ўқидиму кўнглим алланечук вайрон бўлиб кетди. Эссизгина, эрининг уруғини сидқидилдан хурмат қиладиган яхши, меҳмондўст, бағри кенг келинлар жуда кўп, лекин, гуруч курмасиз бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Мақолани ўқидиму, ўз онам кечирган камтарона ҳаёти, сўнг эса вафоти эсимга тушди.
 Онамдан айрилганимизга беш йил бўлди. Ҳар йили ўтган кунларни хотирлаб, опа-сингил, ўғил-қиз, жиянлар онам яшаб ўтган хонадонга борамиз. Ҳовлига сув селиб сулурилган, ҳаммаёқ озода, саранжом-сарашта, дастурхон тузатилиб, янги кўрпачалар солинган ҳолатни кўриб, дилларимиз яйраб кетади. Ҳаммаёқ онам бор пайтдагидек файзли, аммо онамнинг ўрни хувиллаб туради...
 Отам иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар. Ёшгина бева қолган онам, укам билан бирга эдилар. Тақдирнинг шафқатсиз ўйинларини қарангки, укам икки фарзандли бўлганда шамоллаш баҳонаси билан оламдан кўз юмди. У ҳали 30 га ҳам тўлмаган эди. Онам еру қўққа сиймай фарёд урар, суянган тоғим, ишонган боғимдан айрилдим, деб дод солар, унинг аянчли ноласидан эзилмаган одам қолмасди. Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтаверди. Укамнинг хотини Муқаррамхон укамнинг ўрнига онамга таянч бўлиб суяб яшади. Онам Муқаррам билан етим қолган икки қизни ўқитмай катта қилишди. Орзу-ҳаваслар билан яхши хонадонларга узатишди. Ўрни билан улар ҳам бола-чақали бўлишди. Онам хаёб суриб, укамни эслаб кўз ёш қилсалар, Муқаррам онамни юпатар, яхши гаплар билан чалғитарди. У онамга ёқадиган овқатлар пиширар, байрам ва ҳайитларда янги кўйлақлар тикиб берарди. Онамни узок тўнларда ёлғиз қолмасин деб бирор кун бирор ерда ётиб қолмаган. Онамни хурмат қилиб, меҳр кўрсатгани учун ҳамма қариндош-уруғлар, опа-сингиллар уни

«Аҳиллик йўқолмасин» 45-сон
ЭСЛАТМА: Бугун онамнинг вафот этган кунлари эди. Келсам... Дарвозада катта кулф осилган. Нима қилишимни билмай турганим, укамнинг ўғли келади қолади. «Амма, оёғим тоғамнинг туғилган кунига кетган. Худоёш уша ерда бўлар экан», - деб қолади. Келишимиз туғилган кунга эртага борса ҳам бўларди-ку.
 Муаллиф: Манзура САФАРОВА.
 Зангуота тумани.

ҚИЛГАНИ УЧУН...

қаттиқ севамиз. Келинимиз оқила, сажий, бағри кенг, меҳмондўстгина эмас, балки онамнинг ўрнини босиб вақти-вақти билан холимиздан хабар олиб турувчи онахонимизга айланади. Узокдан кўришини билан «Ана, она-жонимиз келяпти», - деб хурсанд бўламиз. Тўйларда, йиғинларда юмушларнинг энг кўпи ва энг оғири Муқаррамнинг бўлишида. Бу ишларни бирор марта малол олмай бажаради. Муқаррам меҳр-муруватли бўлгани учун ҳам ҳар икки жияним бизга жуда меҳрибон, муомаласи самимий, чин дилдан хурмат қиладиганини сезиб уларга меҳрим янада ортиб кетади.
 Тўғри, эрдан бахт кўрмади, ёшлиқ таровати, ишқ тўла жүшкун ҳаёт сурурини суриб, давру даврон кўриб яшолмади. Укамнинг бу дунёни бевақт тарк этгани туфайли, насибаси кемтик бўлиб қолди. Лекин у ҳузур истаб кетмади, ҳаёт сўқмоқларида йўлдан адашмади, озгина бўлса ҳам эрдан кўрган бахту тахтининг тотинга бир умрга етгандек чидаб яшамокда. Онам ўтиб кетдилар. Келинимнинг онамга қилган парваршилари, кўрсатган муруввати, вақтида доридармон тутиб ёзозлаб яшагани юракларимиз тўрида. Бу яхшиликларни асло унутмаймиз. Сени тарбиялаб, вояга етказган отанга минг раҳмат, Муқаррам, дейимиз қўлимизни кўксимизга қўйиб.
Муҳаббат ТУРОБОВА, Тошкент шаҳри.

«Кейинги пушаймон» 41-сон

ЭСЛАТМА: Йигит пайтим уч болали аёлга уйландим. Отам норози эди. Уч фарзандли бўлаш. Лекин хотиним ҳам, болаларим ҳам мени чиқаштирмай қўйгач, уйлан чикиб кетдим.
 Муаллиф: Т. НОРИМОВ

ҲАР КИМ ҚАРИГАНДА ҚАДР ТОПСИН

бўлади-ки, арзимаган олиб келган пули учун уларни кўнглини бир зумда вайрон қилиб юборади.
 Одамлар орқаваротдан унинг хотини борлигини хотинига шамма қилса, шўрлик аёл сир бой бермасдан қулибгина қўя қолади. Қани айтингларчи, шу одам оиласига қайтса бир кун кексайгач, бола-чақасидан хурмат, яхши сўз қайтармикан? Ахир.
Сўзга солсанг сув қўтармас мисқол темирни, Олтин билан олиб бўлмас қолган кўнгилни.
 - деганлар-ку донишмандлар. Қарс икки қўлдан чиқади. Агар

шу акамиз яхши бўлганида, аёли рўзгор тизгинини ўз қўлига олгани билан, жонидан азиз бўлган фарзандларни яхши кўрган бўлишарди-ку. Менимча, бу акамиз аёлининг ёши узидан катталиги, тили қисқилигидан фойдаланиб, анча-мунча саргузаштларни бошидан кечирган бўлсалар керак.
 Бу акамизга маслаҳатим, ёшлари ўтиб бораётган бир пайтда ўзга уй-жой, оила қурганларидан кўра, оиласи бағрига қайтиб, уларга меҳр бериб яшаганлари маъқул. Ҳар ким қариган чоғида ўз бола-чақаси ёнида қадр, ҳузур-ҳаловат топсин. Бусиз одамзотга ҳаёт деганлари татимайди.
София УЗОҚОВА, Шахрисабз.

АЁЛ ОИЛАСИДА БАХТЛИ

«Сўнги пушаймон - ўзинга душман», деган нақлни барчамиз биламиз. Душман бўлганда ҳам шундай душманки, у умрингизнинг охиригача сизни тарк этмайди. Вужудингизга кириб олиб, доимо афсус-надомат билан яшашингизга замин яратади.
 Гулчехраон синглим! Мен сизнинг ҳам, ота-онангизнинг ҳам шу пушаймон гирдобига тушиб қолмаслигингизни жуда истардим. Ахир оилангизни пароканда қилишга ҳеч бир

эрингиз ва унинг яқинларининг ҳеч қандай айби йўқ. Шунга жahl қилиб, сизни эрингиздан ажратиб юрганлари учун ота-онангиз кейинчалик қаттиқ афсусланмасалар эди. Ахир улар ўз қизларини бахтсиз қилиб қўйишлари мумкинлигини наҳотки тушунишмасе? Бу ерда икки норасида гўдақнинг ҳам тақдири турибди. Уларни ўз оталаридан ажратманг. Сиз ҳам энди ёш эмассиз, ўз ҳаётингизни ҳал қилишга ҳаққингиз бор. Онангизга ўз қарорингизни дадил айтинг. Уларни кўндиринг. Оилангизнинг бузилишига йўл қўйманг. Сизнинг онангизга ҳам айттар сўзим бор эди: «Опахон, нима учун қизингизнинг ҳам кўнглига қулоқ солиб кўрмайсиз? Ахир у кўз очиб кўрган ёрининг олдига қайтишни истайди, лекин сизларнинг қарорингизга қарши боришга истихоло қилади. Уни қийнаманг. Қуввингиз ҳам унчалик ёмон одамга ўхшамайди. Эркак киши ёлғизликка кўп ҳам чидамайди. Охир-оқибат уйланиб кетса, кейин кеч бўлади-ку. Қизингиз ва невараларингизни ўз оиласига қайтаринг. Фарзандингизни бахтли бўлишдан маҳрум қилманг. Барча ишларни тўғри ҳал қиласиз, деб умид қиламан».

«Қийин аҳволдан» 40-сон
ЭСЛАТМА: Синфлаш дугоналарим турмушга чиқиб, 2-3 фарзандли бўлишди. Аммо, менга совчилар кела бошлади. Чунки онасининг фельшини ҳамма биларди. Оралдан 5 йил ўтиб онам мени камбағал бир йиғишга турмушга беради. Аммо, мен касала бўлиб қолгач, онам қайнота-қайнонамни қўймай қўйди.
 ГУЛЧЕХРА

КЎНГИЛ КЎНГИЛНИ ХОҲЛАСА

Онахон: «Қизим ногирон, уни соғлом йигит яхши кўриб қолди», деб зорланибди. Ҳаётда нималар бўлмайди. Йигит яхши кўриб қолибдими, демак кўнгли шуни хоҳлаган. Она ёшларнинг йўлига тўғанок бўлмаслиги, уларни тушуниши керак. У йигит чин дилдан севса, қиз ҳам шуни хоҳласа, уларга оқ фотиҳа бериш керак, деб ўйлайман мен. Ёшим 18 да бўлгани учун ҳам, муҳаббат тарафига ён босдим.
Дилрабо БЕРДИНАЗАРОВА, Сурхондарё вилояти, Жаркўрган тумани, Норали Боймуродов ж/х. бр/7.

«Муҳаббат чегара билмас» 36-сон
ЭСЛАТМА: Қизим туғма ногирон бўлиб дунёга келди. Унинг танасида оқ доғлари бор. Шу боис дили ўксик эди. Лекин уни ўзидан уч ёш кичик соғлом йигит яхши кўриб қолди. Мен қизимнинг келажаккаги тақдирини ўйлаб ташвишланаман.
 Муаллиф: Т. НОРИМОВ



жиддий асос йўқ-ку! Сиз Оллоҳ юборган дардга чалингансиз. Худога шукрки, давосини ҳам юборибди, тузалибсиз. Демак, бу тақдирингизда бор экан. Бунда

ДИЁРА, Тошкент шаҳри, Мирзо Улўбек тумани, Риштон кўчаси.

Хайруллабой зўр йигит. Хайруллабой саховатда тенги йўқ йигит.

Хайруллабой ана шу фазилатлари билан элга танилган йигит...

Худога шукр. Хайруллабой ҳам олийгоҳда ўқиган. Лекин бир кун бўлсин, танлаган касби бўйича ишламади. Уйлангач, қайноғаси Утабой билан ҳамкорликда ўзини тижоратга урди. Пул тўлади. Машина олиб, иморат курди. Отаси вафот этганда шундай маросимлар қилдики, ҳамма "ўуу" деди! Фақатгина онаси Хачча момо ранжиди. Исрофгарчилик гуноҳи азим, деди.

Тавба-ей, шу онасиям худди отасига ўхшаб галати қариди-да. Қапкатта эркак, уч боланинг отаси бўлиб қолган Хайруллабойни ҳалиям ёш бола санайди. Айлиниб, ўргилади. Буям етмагандай, ҳадеб ақл ўргатавереди. Бундан рости, Хайруллабойнинг гаши келади, ижир-ғанади. Тавба-ей, онасининг усти бут, қорни тўқ бўлса, тагин нима керак, деб ўйлайди.

Тавба-ей, ўйлайверса Хайруллабойнинг бир жаҳли чиқади, бир кулгиси келади. Ана, онасига алоҳида уйча қуриб бериб ҳам тинчимасди. Отангдан қолган ўйни нега бузасан, деб неча кун аразлаб юрди. Онасининг феъли қизик-да. Хар куни тонг сахардан келиб олади. Кечалари бўлса, то Хайруллабой машинасини гуриллатиб улфатчиликданми, тўйданми қайтгунча остонада кутиб ўтиради...

Кутилмаганда эшик "ғийк" этиб очилди-ю, Хайруллабойнинг хаёли бўлинди. Юм-юмалоқ қорнини дўмбоқ қўллари билан силаганча, Эргаш гумбаз кириб келади. Йўқ, кириб келмади, ичкарига гўё "сузиб" кирди.

- Қалайсан, жўра, - деди у пишиллаб нафас оларкан, - зерикмай ётибсанми?!

- Кел, кел! - ётган жойидан кўл узатди Хайруллабой, - жўралар қани, бир ўзинг келдингми?

- Ҳадемай келиб қолишадими, - Эргаш гумбаз ҳамон пишиллаганча ясагилик хонтахта атрофидоғи кўрпачага "чўқди". - Хўш, кўзи тайёрми?

- Тайёр. Гўшти ширинроқ бўлсин деб кечкурун оғзига бир кафт туз ташлатиб қўйганман. Узинг сўясанми?

- Э, нима мен сенларга қасосбодим? - жириллади Эргаш гумбаз. - Қачон мол сўйиш бўлса, мен кўнда-ланг! Бугун ана, Ҳамид сўяқолсин!

- Билганларингни қилинглар, - берарво кўл силтади Хайруллабой. - Юролганимда-ку ўзим шартта сўйиб ташлардим-а. Қайси гўрданам машина туртиб кетди-ю, тўшакка миҳланиб қолдим-да. Дўхтирлар хали бир ой шу аҳволда ётасиз, даяпти. Синган суяк то битгунча кун санармиш...

Қия очик эшикда аввал Хачча момонинг оқ қийғи кўринди. Сўнгра ўзи ҳам кириб келди. Эргаш гумбазга

кўзи тушгач, хушламайгина сўрашган бўлди. Кейин сочиққа ўралган коса бетини очиб, Хайруллабойга узатди.

- Ўғлим, манавини иссиқлигида еб ол, қувват бўлади.

Онасини норози кузатиб турган Хайруллабой кутилмаганда жеркинди:

- Эна, мен сиздан овқат сўровдимма?! Ё, келинингизнинг кўли синганми?

- Эрталаб ўзим пиширдим, - деди Хачча момо ҳеч нарса ашитмагандай.

- Улимга ўз кўлим билан бир қошиққина иссиқ едирай дедим-да!

- Эмайман!

Хачча момо ўғлининг жеркишларига, зардаларига ўрганиб кетган бўлса-да, Эргаш гумбаз-

энди келаётгани йўқ. Худога шукр, хар куни шу ерда. Ундан кейинига биров кўрса ор қиладиган энанг йўқ, сенинг!

- Аҳ энам-а, энам-а, - гапни юмшатди Хайруллабой. - Мен сиздан уялдан деганим йўқ. Сиз маладес энасиз!

Бугун мени даволаётган дўхтирлар келишади. Эркаларнинг орасида ўралашиб юрманг, дейман-да.

- Майли, кетарман улим. Лекин сен аввал гапимни эшит. Отанг тагин тушимга кирибди...

Хайруллабой асабий кулиб яна овозини баландлатди.

- Ҳа, биламан! Отажоним тушингизга кирибди. Кампир, тентакнамизни эҳтиёт қил, депти! Ишқилиб бир фалокатга йўлиқмасин-да, депти. Шундайми?!

- Аҳ улим-а, - Хачча момо чуқур уф тортди, - фалокатга-ку бир йўлиқдинг. Лекин... отанг бу сафар ундай деб тушимга кирмади-да!

- Нима деб кирди отам, тушингизга!

- Отанг оппоқ отда келибди, дегин. Олдимга келиб отдан тушибди-да, кампир сени олиб кетгани келдим, дермиш жилмайиб...

- Воҳ-ҳоҳ, ҳа-а-а! - кутилмаганда Эргаш гумбаз қорнини силаганча баралла кулиб юборди.

Она-бола унга

- Момо, бу дейман Раҳим бова тушингизда учрашувга келибди-да! Бу дунёда тракторчилик қилиб "пўлат от" минарди, у дунёда ҳам чавандоз бўлибдилар-да, а?!

Бундай ноўрин ҳазилдан Хачча момо оғринди. Хайруллабой эса жилмайиб кўйди.

- Ай улларим-а, улларим-а, - Хачча момо бошини сарак-сарак қилди. - Тушнинг таъбирини билмай, ҳазилга бурасизлар-да... Улим, отанг ўша оқ отига миндириб мени ўзи билан олиб кетди! Ишқилиб сен овқат туриб кетгунча бир гап бўлиб қолмайин-да...

Шундай дегач, Хачча момо муштларига таяниб ўрнидан мажолсиз турди. Ўғли томонга қайрилиб қарамасдан, букчайганча хонадан сассиз чиқиб кетди.

- Жўра, - деди Хайруллабой онаси чиқиб кетган Эргаш гумбазга ҳасрат оҳангида, - хафа бўлмайсан-да, энди. Бизнинг момой шундай ёмон қариган. Кўнгли жуда нозик бўлиб қолган.

- Э, ҳалиям сенга осон, - Эргаш гумбаз негадир кўксига ниқтаб-ниқтаб гапир бошлади. - Биттагина энанг бор.

нинг олдида ўзини мулзам сездми. Мунгайибгина қолди.

- Ҳа, энди энаники шу-да, болам, - деди аста синик овозда, - томоғидан овқат ўтмайди, боласига илинади...

- Момомди хапа қилма, жўра, - гапга қўшилди Эргаш гумбаз. - Егинг келмасаям кўнгил учун тотиниб қўй-да!

- Давриппа энди, - лабини бурди Хачча момо, - энаси пиширган таҳамид шундайчикин тотиб қўйс, эп эмас-да! Эна пиширган таҳам бошқача бўлади, улларим!

Хайруллабойнинг беш баттар жаҳли чиқди. Қийналиб бўлса-да, ўмганини хиёл кўтарди:

- Эна, дейман?

- Боринг энди! Ҳализамон жўраларим келади. Қўй сўйилади. Файратингиз тошиб кетаётган бўлса, ана, келинингизга ёрдам беринг!

Хачча момо букчайган кўйи келиб кўрпача четига ўтирди.

- Бир гап айтай улим, эшит, - деди кўлидаги косани дўк эткизиб хонтахтага қўяр экан. - Авваласига жўраларинг

ди. Очиғи менга эркин ҳаёт ёқа бошлаганди. Ўзингга хон, ўзингга бексан, ўзингга бексан, оила ташвиши йўқ, 10-15 кунда бир озроқ харажат қилиб болалардан хабар олгандек бўламан. Албатта, менга насиҳат қилгувчилар бўлган. Қариндошларим ажралишимга қарши бўлишган. Лекин, пешонамда бори шу экан. Балки оила, рўзгор ташвишлари мени чарчатгандир. Хуллас, вақт ўтиб борибди, мана ёшлик ортда қолди. Бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолдим. Болачақ мана шундай пайтда керак бўларкан. Қизларим хабар топишиб, хар куни олдимга келишди. Албатта хотиним келмади, лекин

қизларимни у юборганини сезиб турибман. Пешонамда йўқ экан, барибир ўғиллик бўлмадим, лекин оиламни ташлаб номардлик қилдим. Очиғи ёлғизликдан чарчадим. Тўғри аёллар кўп, лекин ҳаммаси ҳам хотинликка ярайвермайди. Оиламга қайтмоқчиман. Жон деб қайтардим, лекин тўғриси журъат етишмаяпти. Қизларим, онаси газетангизни доим ўқийди. Улар мени кечирришларини сўрайман. Кўр эканман. Агар мени қабул қилишса, айбимни ювишга тайёрман. Телефон рақамим қизларимда бор. "Қайтинг дада", дейишса бас, учиб бораман.

Б.

Тошкент шаҳри.

Тўра ҚОБИЛОВ, Сурхондарё вилояти.


ди. Очиғи менга эркин ҳаёт ёқа бошлаганди. Ўзингга хон, ўзингга бексан, ўзингга бексан, оила ташвиши йўқ, 10-15 кунда бир озроқ харажат қилиб болалардан хабар олгандек бўламан. Албатта, менга насиҳат қилгувчилар бўлган. Қариндошларим ажралишимга қарши бўлишган. Лекин, пешонамда бори шу экан. Балки оила, рўзгор ташвишлари мени чарчатгандир. Хуллас, вақт ўтиб борибди, мана ёшлик ортда қолди. Бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолдим. Болачақ мана шундай пайтда керак бўларкан. Қизларим хабар топишиб, хар куни олдимга келишди. Албатта хотиним келмади, лекин

қизларимни у юборганини сезиб турибман. Пешонамда йўқ экан, барибир ўғиллик бўлмадим, лекин оиламни ташлаб номардлик қилдим. Очиғи ёлғизликдан чарчадим. Тўғри аёллар кўп, лекин ҳаммаси ҳам хотинликка ярайвермайди. Оиламга қайтмоқчиман. Жон деб қайтардим, лекин тўғриси журъат етишмаяпти. Қизларим, онаси газетангизни доим ўқийди. Улар мени кечирришларини сўрайман. Кўр эканман. Агар мени қабул қилишса, айбимни ювишга тайёрман. Телефон рақамим қизларимда бор. "Қайтинг дада", дейишса бас, учиб бораман.

Б.

Тошкент шаҳри.

ЖАЗО



"ҚАЙТИНГ" - ДЕЙШИСА

Бу хатни ёзишдан мақсадим нима, ўзим ҳам тушунмайман, лекин бари-бир ёзаяпман. Сизларга кўнглимни очганим билан дардим энгиллашармикан? Шундай бўлса-да, борингизга шукр. Ахир эркак кишини бировга дардини айтиши қийин. Сизлар эса беминнат ва холис тингловчисизлар. Бир пайтлар ёш эдим, энди эса ёшим 60 га яқинлашиб қолди. Буни пайқамай юрган эканман, лекин бирдан бетоб бўлиб қолдим, энди ёш йигитча эмаслигимни тушундим... Келинг бир бошидан эзай. Худо менга 4

қиз ато этган. Мен ўғил истардим. Қизларимни яхши кўрардим, лекин аҳмоқлик қилдим, бўлар бўлмасга хотинимга дўқ уриб захирини сочардим. Чўнтагимда бўла туриб, нонга ҳам пул бермай чиқиб кетган пайтларим бўлган. Шайтон йўлдан урса, одамгарчилик уч пул бўларкан. Хуллас, хотиним билан ажрашдим. У ҳам етмагандек, уйни сотиб 2 та 2 хоналик уй олдим. Ниятим бошқа оила қуриш эди. Хотиним индамади. 2 хоналик уй 4 қизим ва ўзига торлик қилса ҳам миқ этмади. Албатта, мен уларга ёрдам

бериб турдим, лекин бу кам эди, буни ўзим ҳам билардим. Шахсий ҳаётимни йўлга солиш мақсадида 1-2 та аёллар билан танишиб кўрдим. Менга ёққани, турмуш қуришни истамасди, менга текки-менга текки эса кўнглимга ўтирмасди. Нега, дейсизми, чунки энгилтак, калтабинига мени уйланиб келмасди. Эслиғи эса, 4 қизим борлигини билиши билан тўнини тескари қиярди. Ҳатто бир марта, бир ўтириб қолган қизга оғиз солгандим. Таржимаи ҳолимни билгач, "мен Худодан кўрқаман, қўйинг яхшиси бир умр эрсиз ўта қолай, оилангизга қайтинг",

ди. Очиғи менга эркин ҳаёт ёқа бошлаганди. Ўзингга хон, ўзингга бексан, ўзингга бексан, оила ташвиши йўқ, 10-15 кунда бир озроқ харажат қилиб болалардан хабар олгандек бўламан. Албатта, менга насиҳат қилгувчилар бўлган. Қариндошларим ажралишимга қарши бўлишган. Лекин, пешонамда бори шу экан. Балки оила, рўзгор ташвишлари мени чарчатгандир. Хуллас, вақт ўтиб борибди, мана ёшлик ортда қолди. Бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолдим. Болачақ мана шундай пайтда керак бўларкан. Қизларим хабар топишиб, хар куни олдимга келишди. Албатта хотиним келмади, лекин

қизларимни у юборганини сезиб турибман. Пешонамда йўқ экан, барибир ўғиллик бўлмадим, лекин оиламни ташлаб номардлик қилдим. Очиғи ёлғизликдан чарчадим. Тўғри аёллар кўп, лекин ҳаммаси ҳам хотинликка ярайвермайди. Оиламга қайтмоқчиман. Жон деб қайтардим, лекин тўғриси журъат етишмаяпти. Қизларим, онаси газетангизни доим ўқийди. Улар мени кечирришларини сўрайман. Кўр эканман. Агар мени қабул қилишса, айбимни ювишга тайёрман. Телефон рақамим қизларимда бор. "Қайтинг дада", дейишса бас, учиб бораман.

Б. Тошкент шаҳри.

Ёшим 31 да. Ишлайман. Замонавий аёлман, ёмон хислатлардан холиман. Ота-онам билан бирга яшайман. Оиламиз ўқимишли, зиёли. Турмуш қуриб, ажрашганман. Оилани муқаддас биладиган, иймон-эътиқодли инсон билан танишмоқчиман. Фарғоналик бўлса, яхши бўларди.

Манзилим тахририятда.

**Лайло,
Фарғона шаҳри.**

Ёшим 38 да. Оиламдан ажрашганман. Фарзандим йўқ. Нуфузли бир корхонада кўп йиллардан бери ишлайман. Хотини ўлган ёки жиддий сабаблар билан ажрашган, ҳалол-пок, касб-корли инсон билан танишиб оила қурмоқчиман. Эгри ниятда мен билан боғланмоқчи бўлганлар овера бўлиб юришмасин. Мен ўз қадр-қимматим, обрўйимни ҳамма нарсадан устун қўяман.

Ниятим-оила деб аталмиш муқаддас даргоҳга яхши ниятлар билан қадам қўйиш. Мен билан танишмоқчи бўлган инсон ҳам шундай бўлишини хоҳлайман.

Манзилим тахририятда.

**Дилбар,
Бухоро шаҳри.**

“Ёшим 30 да. Маълумотим ўрта махсус. Турмушим бузилганига икки йил бўлди. Уртамазда фарзанд ҳам бор эди. Хотиним уни ўзи билан олиб кетган. Ҳозирги пайтда қишлоқда ота-онам, укам, сингилларим билан бирга яшайман. Устачилик, ошпазлик, сартарошлик, ҳайдовчилик гувоҳномам бор. Хуллас, бир эркак қиладиган ишнинг барчасини бажара оламан. Худого шукр, тўрт мучам соғ. Ичмайман, ёмон иллатлардан ҳолиман. Бир оилани боқишга қурбим етди. Мен билан танишмоқчи бўлган қиз ёки аёлнинг хоҳиш ва истаклари билан ҳам ҳисоблашишга тайёрман. Хоҳласа меникида, хоҳласа уникида яшашим мумкин.

Манзилим тахририятда.

**Бахтиёр,
Навоий вилояти.**

Мен ҳам ҳаётда бахтли бўлишни истайман. Оила қуриш учун олий маълумотли, уйли-жойли кишини излаётиман.

Ёшим 25 да. Маълумотим олий. Магистратурада ўқийман. 1996 йил ота-онамнинг қистови билан турмушга чиққанман. 3 ойдан кейин у бошқа аёлга илакишиб қолганилиги сабаб ажрашмига мажбур бўлдим. Мана шунга ҳам 7 йил бўлди. Шундан кейин мен бутунлай эркакларни ёмон кўрадиган, улардан нафратланадиган бўлиб қолдим. Ҳозир эса ўзимни ёлғиз эканлигимни, бечораҳол эканлигимни ҳис қилмоқдаман. Инсон ўзини ҳеч кимга керак эмас, ёлғиз ҳис қилиши жуда ёмон бўларкан. Дугоналаримнинг ҳомиладорлигини, болачаларини кўтариб юрганларини кўрсам, юрагим орзиқиб кетади. Шунинг учун ҳам ажрашган, ўқимишли киши билан оила қуриш мақсадиданман.

Ёшим 26 да. Маълумотим ўрта. Оилада бир қиз, уч ўғилмиз. Онам оламдан ўтган. Дадам қайта уйланмаган. Укаларим мактабда ўқийди. Дадам тижорат ишлари билан шуғулланади. Мен эса уй ишлари билан бандман. Эрим ичкиликка берилганлиги сабабли ажрашганман. Фарзандим йўқ, Тенгим чикса, оила қуриш ниятидаман. Мен билан танишиб истагидида бўлган йигит овоз берсин.

Манзилим тахририятда.

**Юлдуз,
Хоразм вилояти.**

Тошкент шаҳрида туғилиб ўсганман. Ёшим 36 да. Бир нопок оилга тушиб қолиб, ажралиб кетишга мажбур бўлганман. Шундан бери ҳеч кимга ишончим қолмаган. Лекин вақт ўтмоқда. Оила қуриб, фарзандли бўлиш ниятим бор. Ҳеч қандай нуқсоним йўқ, давлат корхоналаридан бирида ишлайман. Ўз қадр-қиммати-ни ҳамма нарсадан устун қўядиган, касб-корли, иймон-эътиқодли инсон билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

**Дилором,
Тошкент шаҳри.**

Эримдан ажрашганман. 6 яшар қизчам бор. Сени

тушунмайдиган инсон билан яшаш ҳам ёлғизлик экан. Ҳаётда энг қўрқинчиси - инсон ҳеч кимга керак бўлмаса, энг катта бахт эса - кимгадир кераклигини ҳис қилиб яшаш. Гап инсонни узоқ умр кечирганида эмас, балки мазмунли ва мантиқа бой ҳаёт кечирганида деб ўйлайман. Қалби чиройли инсон ёши ўтган сари ҳам янада мафтункор, чиройли бўлиб, кўринар экан, қайта-қайта у билан суҳбатлашгинг келади.

Бўш пайтимда ўзимизда ва Россияда чоп этилаётган газета ва журналларни мутолаа қиламан. Муסיқа эшитишни, ҳаётга яқин, инсонни руҳлантирадиган мазмунли фильмларни кўришни ёқтираман.

Эркак кишини гўзаллик эмас, балки, меҳр-муҳаббатгина асраб қолади. Шону-шухрат, мансаб, давлат - бу орзу қилса арзиғулик нарса. Лекин худди мана шу шону-шухрат, мансаб, давлат инсонни ночор қолган қунида ҳеч қачон исита олмайди. Инсонни инсонларнинг унга бўлган меҳр-муҳаббатигина иситаркан. Мен шундай бахтга эришишни орзу қиламан.

Манзилим тахририятда.

**Лобар,
Жиззах шаҳри.**

Ёшим 32 да. Битта қизим бор. Эрим билан севишиб турмуш қургандик. 2000 йилда вафот этди. Хужайним раҳматли тилла одам эди. Қўлидан келмаган иш йўқ эди. Фақат рўзгорим, болам - чақам деб чопарди. Аммо унинг ўрнини босадиган инсон бу ҳаётда бормикан, билмадим... Уй-жойим бўлак. Мана 6 йилки оилам, рўзгорим, 1 қизим учун елиб-югураман. Отаси йўқлигини билан тирмастикка ҳаракат қиламан. Ҳалол-меҳнатим билан катта қилмоқдаман. Отаси йўқлиги учун нафақа оламан. Ўзи учун ишлатаман.

Агарда мен билан танишмоқчи бўлганлар бўлса марҳамат, хат ёзинг. Рўзгорим, болам-чақам дейдиган, қизимга ўғайлик қилмайди, ота ўрнида ота бўлиб яшаш ниятида бўлган инсон билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

**Гавҳар Раджапова,
Самарқанд шаҳри, Бош. почта .
Талаб қилиб олгунча.**

**Мунира,
Самарқанд вилояти.**

Халқимизда: “Тенг-тенги билан...”, деган гап бор. Мен билан танишмоқчи бўлган йигитнинг ёши 40-45 гача, Тошкентда ёки Тошкент вилоятида яшайдиган бўлиши керак. У меҳнатқаш, эътиқодли, иймонли, оилапарвар бўлишини хоҳлайман. Узим ҳақимда қисқача маълумот берсам. Ёшим 36 да. Боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман. Онам иккаламиз бирга тураимиз. Мен билан танишишни истаган йигит куйидаги манзилга хат ёзсин.

**Хуснора,
Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани,
Қорасув-1 даҳаси,
а/я 2206**

Ёшим 22 да. Уйланмаганман. Агар яхши, ақлли қиз бўлса бир ой ичида уйланмоқчиман. Бу хатни ёзишдан мақсадим шуки, бирорта қизни кўз остига олиб қўймаганим учун, шундай қарорга келдим. Чунки ота-онам “ўзинг топмасанг, биз топамиз”, дейишяпти. Зора, бахтим очилиб кетса...

Манзилим тахририятда.

**Ҳақимов БЕКЗОД,
Қарши шаҳри,
Талаб қилиб олгунча.**

тиришқоқлигим (нокамтарлигим учун узр) туфайли ўзимни эп-лаб юрибман. Лекин ҳеч кимни ёлғиз қўямасин экан. 1-гурух ногирони сифатида 12920 сўм нафақа оламан. Синглим билан тураман. Ҳовли-жойим бор. Синглим бўйи пастлиги учун мен каби нафақа олади. Хуллас диёнатли (камчилиги бўлсаям майли) қиз ё аёл билан танишсам. Бу бири кам дунёда ҳамма ҳам тўқис эмас. Оила курсам деган илнж бир умрлик армонимга айланган. Шу биргина орзуим ушалармикан. Мен каби кўнгли ярим инсон бўлса овоз берсин. Икки ёрти бир бутун бўлсак дейман.

Манзилим тахририятда.

**Ш.
Бухоро вилояти.**

Ёшим 30 да. Турмушим бузилганига эримнинг кўп ичиси сабаб бўлган. Ҳозирда қизим ва ота-онам билан яшайман. Ҳамма нарсам етарли. Узимнинг шахсий дўконим бор. Ёши 40-45лар атрофидаги эркак билан турмуш қуриб, қолган умримни ғам-ташвишсиз ўтказмоқчиман. Қайси шаҳар ёки вилоятданлиги фарқ қилмайди.

**Манзилим тахририятда.
Гулчеҳра,
Навоий вилояти.**

Ёшим 28да. 3 ёшли қизчам бор. Турмуш ўртоғим вафот этган. Фарзандимга оталик меҳрини бера оладиган, мени қадрлайдиган 30-35 ёшлар атрофидаги инсон билан танишмоқчиман.

Телефон рақамим тахририятда.

**Хўлола
Тошкент шаҳри.**

Ёшим 70да. Лекин ҳали соғлом ва бақувватман. Олий маълумотли педагогман. Аёлим оламдан ўтди. 3 хонали уйда ёлғиз ўзим яшайман. “Оила ва жамият” газетасининг ҳар бир янги сонини интизор бўлиб кутаман. Уни ўқиб, ҳузур қиламан. Анчадан буён оқила бир аёлни дарак-лаб юрибман.

Моддий-маънавий жиҳатдан бир аёлни тўқис таъминлай биламан. Ёши ўтган иймон, эътиқодли аёл бўлса овоз берсин. Бухоролик бўлса аянам яхши бўларди.

Манзилим тахририятда.

**О.
Когон шаҳри.**

Ёшим 30да. Маълумотим ўрта махсус.Тарбиячи бўлиб боғчада ишляпман. Оилада 3 нафар фарзандимиз, мен кенжасиман. Туманимизда қизлар унча эрта турмушга чиқишмайди. Менга ўхшаб 30-31 ёшгача эмасу, 23-25 ёшларда оила қуришади.

Характерим ўғил болаларга ўхшаганлиги учунми, унчалик турмушга чиқишни ўйламаганман. Нимага шундай қилганимга ҳалигача ўзим ҳам тушунмайман. Ҳаётим давомида ҳеч бир йигит мени қизиқтирмаган. Қариндошларимизнинг айтишларича, мени бахтим боғланган эмиш, мен эса бу гапларга унчалик ишонмайман.

Онажоним ҳозир 65 ёшда. Ҳар доим: “Қизим, мен сени турмушга узатсам, кейин бемалол юрардим”, - деб қоладилар. Шу гаплардан кейин илоҳи борича тезроқ бирор йигитга турмушга чиқишим кераклигини ўйлаб қоламан.Аммо хоҳиш бўлган билан интилиш бўлмаса ҳеч нарса эриш бўлмас экан.

Қисқаси мен ҳаётда оғир, вазмин, камтар, самимий, тўғрисўз қизман. Пешонамга ёзилган йигит қашқадарёлик бўлса яхши бўларди. Ўқимишли, ичиб-чекмайдиган йигит билан оила қуриш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

Ёшим 32да. Ҳали уйланмаганман. Учинчи гуруҳ ногирониман. Ота-онам билан тураман. 25-30 гача бўлган қиз билан танишиб, оила курсам, фарзандлар ўстирсам дейман. Пойафзал таъмирлаш билан шуғулланаман. Қолган гапларни учрашганда бафурга айтаман.

Манзилим тахририятда.

**Салим,
Тошкент шаҳри.**

Хотиним ўлганига 6 йил бўлди. 7 йил азасини туғаман дегандим, мана шу сана ҳам яқинлашиб бораётир. Газета чиққан йилдан бошлаб канда қилмай ўқиб бораман. Ҳозир кечаси 2 дан ўтиб кетган. Мен эса ёлғизликдан уйқум келмайди. Бахтли одамлар бахтсизларни қардан тушунсин? Одам ёши 40 дан ўтгандан сўнг хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак сувга чўкаётгандай ҳаётга талпиниб қоларкан. Қанчалик умрим бор ёлғиз Парвардигорга аён. Пайғамбаримиз ҳам мўминларига ёлғизликни раво кўрмаган. Қолган умримни жуфту ҳалолим билан ўтказиш ниятидаман. Менинг ёшимга мос аёл бўлса овоз берсин.

**Манзилим тахририятда.
Озод,
Қарши шаҳри.**

**Саҳифани Тохир
НОРИМОВ тайёрлади.**



Турсунали билан Назокатхон чўлда ўн тўрт йил яшади. Шу жойда уч фарзанд кўришди. Қаттиқ меҳнат қилишиб, уй-жойли бўлишди, обрў-эътибор топишди. Яқинда эса Турсуналининг отаси оламдан ўтиб, қишлоққа қайтадиган бўлиб қолишди. Эр-хотин экин-тикинларни йиғиштириб бўлишгач, пешона тери билан солишган уйни қўшнилари Исомиддин тadbиркорга сотишди.

Исомиддин тadbиркор сешанба кuni қўшнилари гувоҳлигида пулни санаб берди ва уй унинг номига ўтди. Кўч-кўрон ортилган машина йўлга тушиши олдиан Назокатхон жиндай кўз ёши ҳам тўкиб олди. Кўни-қўшниларга меҳрлари тушиб қолган эди-да. Хайрлашув олдиан Турсунали билан Исомиддин тadbиркор кўч оқолишиб, борди-келдини йўқотиб қўймаслик тўғрисида келишиб олишди. Болаларни бир ҳафта илгари бувиси ёнида қолдириб келишгани учун эр-хотин кўни-қўшнилари билан хайр-хўшлашиб, машинага ўтиришди. Турсунали қопдаги пулни кабинага қўйиб, ҳайдовчининг ёнидан жой олди. Назокатхон эса, кузовдаги юклар орасига жойлашди. Шундай қилиб, машина йўлга тушди. Аммо улар юк машинасининг ортидан "УАЗ" машинасини изма-из таъқиб қилиб келаётганидан умуман бехабар эдилар.

"УАЗ" машинасида қуролланган тўрт давонгир ўтирарди. Улар Турсуналининг уй-жойни ва мол-ҳолларни каттароқ пулга сотиб, кўчиб кетаётганидан хабар топишган эди. Тўғрироғи, бу ҳақда уларни Исомиддин тadbиркор оғоҳ қилганди. Туман марказида кўпдан-кўп тентираб юриладиган тўрт уфатнинг режаси шундай эди: юк ортилган машинани таъқиб қилиб боришиб, уни довоннинг хилватроқ жойида қувиб ўтиб тўхташга ва талончилик қилишга келишиб олишганди. Ҳатто машинани осонроқ тўхташиш учун уларнинг бири милиционер кийимини кийиб, қўлига олатаёқ ушлаб олганди. Аммо довон йўлида машиналар узлуксиз қатнаб тургани боис талончилар учун қулай фурсат бўлмади. Улар сўқинишиб, барибир ниятидан қайтишмай, ўлжани таъқиб қилиб боришаверди.

Тун ярмидан ўтганида, юк машинаси қишлоққа яқинлашиб қолди. Кўп ўтмай машина дала йўлига бурилди. Мана шу жойда талончилар машинани қувиб ўтишиб, кўприк устида унинг келишини кутиб туришди. Ниҳоят сохта "милиционер" юк ма-

шинасига ола таёғини кўтарди. Юк машинасининг ҳайдовчиси ҳеч нарсадан шубҳаланмай, газни пасаитириб, машинани тўхтатди. Шу пайт тўрлар орасидан чиққан унинг шериклари кабинага ёпирилиб, ҳайдовчи билан Турсуналини пастга тортиб туширишиб, бўйинларига пичоқ тирашди.

Сўнг уларни юз тубан ётқизишиб, оёқ-қўлларини чандиб боғлашди. Оғзиларига эса латта тикиб, қопдаги пулни "УАЗ" машинасида олишди. Кузовдаги юклар орасида ушлаб қолган Назокатхон худди мана шу паллада чўчиб уйғонди. Талончилар эса машинага тез ўтиришиб,

нада узоқлашиб кетиб бўлганди. Шундай бўлсаям, қўлига сўйилни олиб, йўл бўйига югуриб чиқди-ю, бирдан ундаги шиддат пасаиди. Назокатхоннинг зардаси қайнаб кетди ва қоровулнинг қўлидан сўйилни олиб, катта йўл томонга югуриб кетди. Унинг орақасидан Турсунали аламли бақирди.

ҚОП ЁПИНГАН



АРВОХ

жўнаб кетишди.

Назокатхон аввалига нима бўлганига тушуна олмай, кабина томонга қараб, эрининг отини айтиб чақирди. Овоз бўлмагач, машинадан тушиб, ўш тубан ётишганларга кўзи тушиб, дод солиб бақирди. Бироқ унинг овозини ким ҳам эшитарди. Қишлоққа яна икки чақиримча йўл бор эди.

Назокатхон эри билан ҳайдовчининг қўл-оёғини ечиб, оғзига тикилган латтани суғириб олди. Аммо уларнинг уччаласи ҳам нима қилишларини билмай эсанкираб қолишди. Ҳайдовчи машинани ўт олдиroomчи бўлиб, кабинага кўтарилди-ю, аммо ўша заҳоти қайтиб тушди. Чунки талончилар машинанинг калитини суғириб олишган экан.

Назокатхон "дод" солганча, шийпон томонга югурди. Хайриятки, шийпонда қоровул бор экан. Бироқ у воқеадан хабар тоғач, умидсиз қўл силтади. Сабаби, талончилар енгил маши-

- Каёққа?! Югурганинг бефойда! Улар кетиб бўлишди.

Аммо Назокатхон шиддатга минган эди. У оёғидаги калишни силтаб ечиб ташлаб, югуриб кетаверди. Уч кўчага етганда, негадир ўнг томондаги йўлга бурилди. Унга талончилар худди мана шу йўлдан кетганга ўхшаб туюлди. Бу йўлнинг иккала томони ҳам қабристон эди. Қайнотаси ҳам бир ойча илгари мана шу жойга қўйилган эди. Назокатхон қабристондан ҳам чўчимайди. Шу жойдан йўл пастлаб шопопоялар орасидан ўтиб, катта йўл билан туташиб кетарди. Йўлда гарчи ҳеч нима кўринмаса ҳам у шаштидан қайтмай югуриб кетаверди. Катта йўлга югуриб чиқмагунча, барибир унинг кўнгли тинчимайди. Йўлнинг бу қисмига ҳали асфальт ётқизилмаган, тропроқли, уйдим-чүкур ва чанг эди. Олдинда машинанинг қораси кўринганга ўхшади. Назокат-

хон яна ҳам тезроқ югурди. Машина йўлнинг ўртасида тўхтаб қолган, унинг ёнида эса ҳеч ким йўқ эди. Машинанинг ўриндиклари иргитиб ташланган, қопдаги пул эса унинг ичида турарди. Назокатхон кўзларига ишонмай, атрофга аланглаб боқди. Талончилар икки томондан чиқиб, худди ўзини ушлаб оладигандай, ҳадиксираб-ҳансираб, қўлидаги сўйилни кўтариб, кимнидир уришга шайланди. Унинг назарида машинани худди яшин ургандай эди.

Бир оздан сўнг шийпондагилар бирин-кетин югуришиб, етиб келишди. Улар ҳам ҳеч нарсага тушуна олишмади. Қопдаги пул қандай бўлса, шундай турган эди.

Аста-секин тонг ёриша бошлади. Шийпон қоровули билан Турсунали теваарак-атрофни кезиб, талончиларни қидира бошлашди. Уларни ташлама зақаннинг ўнгирида кўркишиб-дилдирашиб ўтиришган жойдан топишди. Воқеа бундай бўлган экан.

Талончилар пулни "УАЗ"га олишгач, машина тезлигини ошириб, уч кўчага етиб келишганда, қаршиларидан қоп ёпинган катта арвох чиқиб, машина йўлини тўсибди. Ҳайдовчи ўтакаси ёрилгандай бўлиб, машинани ўнг томондаги йўлга буриб, ҳайдаб кетибди. Қабристондан ўтишгач, арвох яна рўпарада пайдо бўлибди. Машинани худди туман ўраб олгандай, ҳеч нарсани кўра олмай қолишибди. Аллақандай ўткир бармоқлар машина ўриндикларини тортиб олиб, улوقتира бошлади. Талончиларнинг тўртталаси ҳам машинадан улоқтириб юборилибди. Қоп ёпинган арвохнинг битта бармоғи уйнинг тўсиғинида келармиш.

Бу гапларни эшитиб, Назокатхон раҳматлик қайнотасини эслади. У ана шунақа полвон одам эди. Ноҳақлик билан чиқиша олмасди. Демак, қайнотасининг арвохи талончиларнинг йўлини тўсган экан. Бу дунёда дили пок ва имони басаломат бўлган инсоннинг арвохи ҳам шиддаткор бўларкан. Тинч пайтларда фарзандларига умид йўлини очиб, мададкор бўлиб тураркан.



Уша дақиқалардан унинг қўли дўмбира бўлиб шишиб кета бошлади. Илон эса пойла-пойла охири ниятига етганди. Ўғиллари югуриб келишиб, илонни топиша олмади. Отасини шошилиш касалхонага олиб кетишди. Каримжон тоға бир ойча касалхонада ётиб, жуда кўп укол олди. Ҳарқалай у ердан тузалиб чиқди. Аммо янги чекка уй солиш мақсаидан воз кечди. Қишлоқнинг бутунлай бошқа томонидан чек олиб, ўша ёққа уй солди. Лекин унинг юрак ўйноғи касалига чалингани чакки бўлди. Ҳалиям унинг тушига ўша кичкина тепалик ва қасос олиш ниятида ўрма-лаб юрган илон кириб, тинчлик бермайди.

Саҳифани К.НИШОНОВ тайёрлади.

ИЛОН ҚУВАЛАГАН ОДАМ

Каримжон тоғанинг уйи ўрнига йўл тушиб, унга янги чек беришди. Янги чек катта йўлнинг бўйида эди. Шу серсув жойни Каримжон тоғанинг ўзи танлаганди. Ҳовлининг этакроғида ҳеч ким эътибор бермайдиган ёлғиз тепалик ҳам бор эди. Шу тепаликни тупроғини гувалага ишлатиб юборишни уйлаган экан.

Унинг ўзи "Белорус" тракторини минар эди. Дам олиш кuni тракторни ҳайдаб келиб, тепаликни энди сура бошлаганда, Абдулазиз тоға сигирини арқонлаб келиш учун олиб ўтиб қолдибди.

- Нима қилмоқчисиз, Каримжон? - сўради у.

- Мана шу тепаликни гувалага ишлатиб юбораман, - жавоб қилибди у.

- Қаҳатчилик йили шу жойга бир аёлни кўмган дейишарди. Аввало йўл-йўригини қилиб қўйинг.

- Ундан буён неча замонлар ўтди -кетди, Абдуразоқ ака. - Майли-ку, қишлоғимизнинг катталари мана шу тепаликда учар илон бор, дейишарди-да. Уша аёлнинг руҳи учар илонга айланиб, шу тепаликни кўриқлаб туради, деб эшитганман.

Каримжон тоға, яна қачон трактор олиб келаман-у, деган хаёлда тепаликнинг бир четига трактор солди. Тупроқни суриб, тракторни тисариб келаётганда нимадир "қарс" этгандай бўлди. Тракторнинг ойнаси чил-чил синди тушган эди. У тракторни тўхтатиб, пастга тушган ҳам эди-ки, шундоққина қулоғининг остидан бир илон учиб ўтиб кетди. У сесканиб, илон бориб тушган шўра-буталар ёнига яқинлашди. Бироқ ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Шундан сўнг у аччиқланиб, шўра буталар устига трактор оёлиб, тепалатиб ташлади.

Сўнг пастга тушиб, сурилган жойда ўрмалашиб юрган илоннинг тўртта боласига кўзи тушди. Уларни думидан ушлаб зақаннинг нариги томонига улоқтириб юборди. Ана шундан кейин тепаликнинг ярмини текислаб, қурилик бораётган жойга қайтиб кетди.

Бир ҳафтадан сўнг ўғилларини ёнига олиб, сурилган тупроқдан лой қилишиб, гувала қуйишди. Ишни тугатишиб, уйга қайтишаётган-да, Каримжон тоға толга илиб қўйган тугунни олмоқчи бўлиб борганида, тугуннинг оралигидан илоннинг боши чиқиб турганини кўриб қолди-ю, ўрнида тўхтади. Тугунда ортиб қолган овқат, нон бор эди. У илонни ўлдириш учун қайтиб бориб, кетмонини олиб келди-да, бор таввалка қилиб тугунни урди. Чоинак, пиёла чил-чил синди. Аммо тугунни ичидан илон чиқмади. Уни қаёққа қўйиб бўлганини билмай қолди. Толнинг каллигида

тешиklar қўп эди-да. Каримжон тоға ўғиллари билан шох-шаббаларни йиғиштириб келиб, қари толга ўт қўйиб юборишди. Ичи говак бўлиб қолган тол гуриллаб ёниб кетди. Толнинг каллиги батамом ёниб тугагандан кейин ўғиллари билан уйга кетишди. Эртасига тракторни олиб келиб, дўннинг қолган қисмини ҳам суриб текислаб ташлади. Шу билан у илондан батамом қутилдим, деб ўйлади.

Уша кuni кечаси шунақаям кучли сел ёғдики, қуйилган гуваладан биронта ҳам бутунни қолмади. Яна қайтадан лой қилишиб, гувала қилгани киришганида, кун тиккага келган, жазирама иссиқ эди. Каримжон тоға иссиқдан ҳимояланиш учун бошига пеначқан салла қилиб олмоқчи бўлди. Зақан бўйидаги пеначқан юлаётган паллада, бирдан ўрта бармоғига ток ургандай орқага тортиб олди. Унинг кўзи илонга тушди-ю, бармоғини илон чақиб олганига тушунди.

Сариегли картошка йирингни тортиб олади.

БОЛА СОҒ - ОМОН КАМОЛГА ЕТСИН

САВОЛ - ЖАВОБЛАР, МАСЛАХАТЛАР

ҚОНДА ҚАНД МИҚДОРИ...

Қизалоғим 6 ёшда. Лекин қисматни қарангки, у қандли диабет касалига мубтало бўлиб қолди. Дунём қорону. Хали инсулин бошламадик. Унга нима мумкин? Нима мумкин эмас? Наҳотки, энди ҳаётимиз бутунлай ўзгариб кетади?!

Хайитова Г.
Самарқанд вилояти.

Қонда қанд кўпайиб кетмаслиги учун ҳаёт тарзингиз ва фарзандингизни овқатланишини ўзгартиришга тўғри келади. Ширинликларни, нон, ёрма (грекчадан ташқари), макарон маҳсулотлари, сут ва қатиқ маҳсулотлари, картошка, жўхори истезмол қилишни чеклаш лозим. Дуккакли ўсимликлар ҳам қонда қанд кўпайтириши мумкин. Шунинг учун болага уларни кам миқдорда, онда-сонда берган маъқул. Болани кунига 5-6 маҳал овқатлантиринг. Қизингиз овқатни яхшилаб чайнаб, шошилмай есин. Кунига 3-4 маҳал қондаги қандни глюкометр асбоби билан ўлчаб туринг. Кўчли жисмоний зўриқтирадиган ҳаракатларни қилдирманг. Чунки зўриқиш қондаги қандни бирдан тушиб кетишига олиб келади. Бу эса ҳушдан кетишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин энгил жисмоний ҳаракат бола учун жуда муҳим. Ҳаракат меъерини беморнинг ёши, диабетнинг даражаси ва бошқа касалликларини ҳисобга олган ҳолда шифокор белгилайди.

ТАБИИЙ ЎТЛАР - МАЛҲАМ

Қизимнинг соғлиғи билан доим муаммога дуч келамиз. Қизалоғим Нозимахон нимжон туғилди. Дисбактериоз, диатез касаллиги доим безовта қилади. Мана энди устига-устак аллергия бўлиб қолди. Шамоллашдан-ку бошимиз чиқмайди. Ўтган йили ҳар ой оғриди-я, гўдаккинам. Хонадон шифокори, тўғриси, биздан безор бўлди. Кўришни ҳам истамайди.

Доимий бурун оқиши, бронхит... Дори берай десам, аллергияси бор. Қандай қилиб даволаш мумкин, ҳайронман. Лекин, қандай қилиб бўлса ҳам бу муаммони ечиш керак. Худо асрасин, бронхити сурункали бўлиб қолса борми?!

Ниҳоят мени тушунадиган шифокор топдим. У: "Агар кимёвий муолажани болага ижобий таъсиридан кўра, салбий жиҳати кўп бўлса, халқ табобатига мурожаат қилган маъқул", - деди. Бронхитни ҳам табиий ўтлар билан даволаш мумкинлигини ўша наҳоткор менга айтди.

Яхшиямки Нозимахонни асалга аллергияси йўқ. Дастлаб, мен куйидагича ширин дори тайёрладим:

200 гр. асалга 100 гр. бодрезак мевасини солиб, 5 дақиқа қайнатдим. Кунига 4-5 маҳал 2 ош қошиқдан боламга иссиқ сув билан ичирдим.

Шамоллаш, бронхитнинг даволашни яна бир усулини тавсия қиламан:

Бир чой қошиқдан хантал (горчица) кукунига ўсимлик

қўйманг. Модомики, шундай бўлган экан, куйидагича даволаш усулини қўллаб кўринг. Ўша жойга совуқ компресс босинг-да, сўнг бироз муз қўйиб туринг. Иссиқни қайтарадиган дори (аспирин) ичра кўрманг, у қон айланишини ёмонлаштиради. Парацетамол ва бир неча кун С дармондорисидан ичиши мумкин.

Мени вақти-вақти билан ҳикичқок тутиб туради. Сув ичсам ҳам тўхтамайди. Уни тўхтатишининг бошқа усуллари ҳам борми?
К.ТОҲИРОВА,
Китоб тумани.

Ҳикичқокни тўхтатишининг аънавий усулларида бири нафас олмай туришдир. Ўпкангизни тўлдириб нафас олинг-да, узқоққоқ ичингизга ютиб туринг. Яна бир усул. Бир чой қошиқ шакарни тезлик билан ютиб юборинг. Агар сувни бошингизни энгаштириб ичсангиз ҳам фойда беради. Ёки:

Тик турган ҳолда қўлингизга ярим қилиб илиқ сув қуйилган стаканини олинг. Стаканга энгагингизни тикинг, лабингиз стаканнинг четига тегиб турсин. Кейин сал энгашиб сувни ютинг. Ҳикичқоқингиз бир зумда тўхтайдиган, қолади.

ОВОЗИМ - ИШ ҚУРОЛИМ

Мен мактабда ишлайман. Ўқувчилар билан мулоқотим овозим билан бўлади. Овозим - иш қуролим. Баъзан шунақа кўп гапиришга тўғри келади-ки... Кечқурун эртага эрталаб гапира оламаникам, деб ўйлаб қоламан. Овоз пайларини қандай асраш мумкин?

Комилова М.

Товуш пардалари зўриқадиган иш фаолиятида махсус қоидаларга амал қилиш керак. Асосийси ҳар бир имкониятда овозга дам беринг. Яхшии танаффусда ҳамкасблар билан суҳбатлашгандан кўра, гапирмай, нафас ростлаганингиз маъқул. Ишдан сўнг, тоза ҳавога чиқишдан аввал, айниқса қишда, 15-20 дақиқа овоз пардаларини тин олдингиз. Агар ҳаво совуқ ва нам бўлса, кўчада гапирмасликка ҳаракат қилинг. Бундай об-ҳаво товуш пардалари учун жуда хавфли. Уйга келиб ялпиз, чўл ялпизи (шалфей) билан иссиқ, юмшатовчи ингалиция қилинг. Қайнаган бир стакан сувга бир ош қошиқ ўтти солиб, ундан чиқайтган бугдан бир неча дақиқа нафас олинг.



Яҳёева Л.
Тошкент шаҳри.

ёғи, ароқ олиб аралаштирасиз. 3 ош қошиқ кепак ва озгина иссиқ сув солиб, қулча тайёрлайсиз. Уни юпкамато устидан боланинг елкасига қўйиб, елим халтадан бир парчасини кесиб олиб, ёпасиз. Эҳтиётдан қулчани юрак томонга қўйманг. Агар бола каттароқ бўлса, қулчани кўкрак устига ҳам қўйинг. Фақат бола териси қўйиб қолмасин. Тери қизариши билан қулчани олиб ташланг.

Бу муолажаларнинг иккинчи кунни, ишонсангиз, йўтал пасайиб, бир ҳафта ичида қизалоғим касалдан фориг бўлди. Кувонганимни кўрсангиз. Аввалари уч ҳафта лаб ишга чиқа олмай уйда ўтирар эдим. Шундан сўнг халқ табобатига ихлосим ортди.

Қиш кунлари боламга бир чой қошиқдан бодрезак билан асал аралашмасини ичириб тураман. Касалнинг олдини олган яхши. Бунини ёш болали оналаримиз жуда яхши тушунишади.

Абдурахмонов А.
Навоий шаҳри.

ЗИРАПЧАГА ҚАРШИ - КАРТОШКА

Ёз бўлди дегунча болаларимни олиб, кишлоққа кетаман. Икки ўғлим бор. Табиат кўйида яйрашади. Кунни билан кўчада бўлишади. Шўхликлари ҳам ўзларига етгунча. Бу йил ҳам дам олишга чиқдик. Бир кунни улар қўллари шилинган, кафтлари тилиниб, ёрилган ҳолда келишди. Болалар қайсидир хароба уйга кириб уйнашган, биттаси тасодифан рандаланмаган тахтага кафти билан тойиб, йиқилган. Иккинчиси ҳам ёрдам бераман деб шу аҳволга тушган. Болаларимни қўлларига қараб бўлмасди: териси шилинган, зирапча тўла. Бир чеккадан зирапчаларни териб ола бошладим. Уларнинг чинқирғи уйни кўтарди. Амаллаб, зирапчаларни териб ташладим. Лекин кафтларига на перекис, на йод қуйишимга беришмади. Уйинларини қизганиб, кўчага шаталоқ отишди.

Эртасига... уларни қўллари шишиб, газак олибди. Нима қилишимни билмай, қўшни кампир холаникка чиқдик. Бирор-та дори-дармон топилар деб. Лекин у менга оддий даволаш усулини айтди.

Картошкани пўсти билан қайнатилди. Пўсти арчилиб, ичига иссиқ сариеғ солинади. Ёғли томони кафтга қўйилиб, эрталабгача латта билан боғлаб қўйилади.

Кейинги кунни қолган зирапчалар чиқиб кетади. Сариеғли картошка йирингни тортиб олади. Шилинган жойлар анча битиб, оғриқ ҳам қолди. Яна икки кеча болалар кафтларига картошка билан ухладди. Агар қўшни буви бўлмаганида болаларимни шаҳарга олиб кетиб, даволатишимга тўғри келарди.

Рустамова Н.
Фарғона вилояти.

БОЛА БЕТОВАНГИНИ СЕЗСАНГИЗ

Ҳар қандай ҳолатда ҳам шифокорга мурожаат қилиш керак. Ҳеч бўлмаганда болага тўғри ташхис қўйиш учун. Ёдингизда сақланг: болани даволаётганингизда баъзи бир муолажаларни амалга ошириш мутлақо мумкин эмас:

- Қорин оғриётган маҳал оғриқ қолдирувчи воситалардан умуман фойдаланманг. Чунки бу ҳаракат ташхис қўйишда қийинчилик туғдиради. (Масалан, кўричакни аниқлашда).
- Оғриётган қоринга грелка қўйманг.
- Болангиз учун махсус, алоҳида дори миқдори кўрсатилмаган рецептдан фойда

ланманг.

- Имкон қадар шифокор тавсия қилмагунча болага таблеткалар берманг.

- 38 даража иссиқликдан юқори тана ҳарорати бор болага иситувчи компресс қилманг.

- Иссиғи чиққан болага фақатгина иссиқ сувнинг ўзидан клизма қилманг. Сув хона иссиқлиги даражасида бўлсин.

- Тугилиш даврида жароҳат олган, марказий асаб системаси зарарланган, бош ичида қон босими бор болаларнинг ҳароратини кескин туширманг. Зудлик билан шифокор чақиринг.

- Ошқозонни ҳеч қачон марганцовка билан ювманг, у за-

ҳарли. Бунинг устига танадан бутунлай чиқиб кетмайди. Аста йиғилиб, мияни зарарлаши мумкин.

- Фарзандингизни ичи кетганда ич тўхтагучи воситалар берманг. Агар ич суриш бирор инфекциядан бўлса, касаллик оғир кечиши мумкин.

- Шифокор ҳузурига боришни пайсалга солманг. Болажонингиз соғлиғи борасида бирор шубҳа туғдирувчи ҳолатни сезсангиз ё кўнглингиз шу болагинангиздан нотинчроқ бўлса, яхшии шифокорга мурожаат қилинг. Бу фақат сизнинг фойдангиз ва фарзандингизни соғлиғи йўлидаги уриниш бўлади.

Махлиё МИРСОАТОВА
тайёрлади.

ОТЪЗ ОЪЗ

Бўлмоқчи эмсиз...

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ҳомиладор аёл бошдан кечирган турли жисмоний ва руҳий оғир ҳолатлар унинг қорнида кунба-кун ўсаётган болага қаттиқ таъсир қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёл бу пайтда оғир руҳий асабийлашиш ҳолатларини бошдан кечирган бўлса, келгусида фарзанди касалванд, нимжон, хатто, мажруҳ бўлиб туғилар экан. Бунинг устига бола мактабда ҳам ақлий ва жисмоний томондан тенгдошларидан сезиларли даражада орқада қолиб кетиши кузатишган. Ҳомиладор она нимадан бошдан кечирса, буларнинг ҳаммаси ҳаёқонлиши пайтида ажралиб чиққан гормонлар орқали қонга, сўнг ҳомиллага ўтаркан. Она бошдан кечирган ва кечираётган изтироблар, қаттиқ асабийлашишлардан норози бўлгандек, ҳомила тез ҳаракат қилиб ташқарига чиқиш учун сурилла бошларкан. Шунинг оқибатида вақтидан олдин туғилиш юз бериб ҳомила нобуд бўлиши мумкин экан.

Шу боис ҳомиладор аёллар ўз асабларини сақлашлари, юз берадиган ҳар бир муаммога хотиржамлик билан ёндашишлари керак. Она қорнидаги

ҳомила ривожлана бошлагандан то туғилгунча она билан фаол алоқада бўлади. Ҳомиланинг ривожланиш жараёни ҳақидаги маълумотларни ҳавола этишдан мақсадимиз шуки, она бўлишга тайёрланаётган аёл ўзининг вужудида, юрагининг остида пайдо бўлиб ўсаётган дилбанднинг ҳолатини ҳар доим билиб бориши зарур. Боланинг ривожланиш жараёнини ундаги ўзгаришларни билиш она учун муҳим. Шу сабабли бўлажак оналар қуйидаги маълумотларни билишлари зарур.

Бир ойлик ҳомиланинг вазни 1 грамм бўлиб, узунлиги 1 сантиметрни ташкил этади.

Иккинчи ойнинг охирига келиб, пайдо бўлаётган митти одамчанинг бурни, қулогини ажратиш мумкин. Узунлиги 4 см бўлиб, вазни 4,5 гр.ни ташкил этади.

Учинчи ойга келиб эса у тез ўса бошлайди. Бўйи 9 см. вазни эса 20-25 гр.га етади.

Тўртинчи ойдан бошлаб, ҳомила фаол ҳаракат қила бошлайди. Унинг кўли, кафтлари, товончалари пайдо бўлиб, бармоқчаларини сўра бошлайди. Вазни 75-100 гр.ни ташкил этиб, бўйи 16 см.гача етади.

Бешинчи ойдан бошлаб унинг сочлари ўса бошлайди. Ҳаракатлари сезиларли тезлашади. Бўйи 25 см. вазни эса 250-300 гр.ни ташкил этади.

Олтинчи ойга келиб ҳомиланинг вазни икки баравар оғирлашади. Бўйи 30 см. вазни 600-650 гр.га етади.

Еттинчи ойга келиб бола туғилса, у яшаб кетади. Аммо, унинг териси қуруқ ва буришқоқ бўлади, ўпкаси яхши ривожланмагани учун нафас олишга қийналади. Бу вақтда унинг бўйи 35 см. вазни 1100-1200 гр. бўлади.

Саккизинчи ойга келиб унинг вазнига-вазн кўшилиб, ўғил болаларнинг жинсий аъзолари ривожлана бошлайди. Ҳомиланинг бўйи 40 см. вазни эса 1500-1700 гр.гача етади.

Тўққизинчи ойга келиб ҳомиланинг тирноқлари ўсади. Бошидаги сочлари қуюқлашади. Бўйи 45 см. вазни эса 3000-3500 гр.гача етади. Лекин ўғил болаларнинг вазни, қизларникига қараганда оғирроқ бўлади.

Ҳомила қимирлай бошлаганда қоринга кўлини қўйган захотиёк, у жим бўлиб қолади. Агар ҳомила ҳаракатланганида унга эътибор берилмаса, у фаол ҳаракатдан тўхтамай, ўзига эътибор қилишларини жуда истаркан. Айнан шу борада ўтказилган кўплаб тажрибаларга қараганда, ҳомила туғилгандан кейин ҳам она қорнида ўтказган вақтини хотирасида сақлар экан. Онасининг юрак уришини мунтазам эшитганлиги боис, туғилгандан кейин онаси уни бағрига босганида дарҳол тинчланади, унга ўрганиб қолади. Онасининг овозини таниб йиғлашдан тўхтади.

Бундан ташқари бошқа овозларни ҳам ажрата олади. Агар отаси она қорнига кўлини қўйиб у билан гаплашса, бола туғилганидан сўнг бошқа овозлар орасидан отасининг овозини ҳам дарҳол ажратиб олади.

Юқорида айтганимиздек, ҳомиладорлик даврида она вужудида бўлган ҳар бир ўзгариш ҳомиллага қаттиқ таъсир қилади. Шу сабабли ҳомиладорлик даврида касалликка чалинган оналарда асорат қолмаслиги учун улар вақтида даволанишлари шарт.

Ҳомиладор аёлларнинг кўпчилиги, камқонликдан азият чекишади. Қонда гемоглобиннинг озроқ камайиши унча хавфли эмас. Аммо қондаги ўзгариш-



лар наслий бўлса, ҳомиладорлик анча асоратли кечади. Бу эса ҳомиланинг бевақт нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бўлажак онада бўладиган камқонлик касалини даволаш учун аввало, овқатланиш меъёрлаштирилади. Зарур бўлганда кўшимча қон қуйилади. Энг яхши усул эса табиий маҳсулотлар билан даволанишдир.

✓ Камқонликда эрталабки оч қоринга 100 грамм қирғичдан чиқарилган сабзини қаймоқ ёки ўсимлик ёғи билан аралаштириб ейлади.

✓ Саримсоқпиез қувватсизликда катта фойда беради. Уни овқатланишдан олдин эритилган асалга қўшиб истеъмол қилинади.

✓ Лавлагининг янги сиқиб олинган шарбати 3-4 hafta давомидида ҳар кун бир стакандан ичилади. Шунингдек, пишириб, тузланган лавлагининг ҳам фойдаси бекиёсдир.

✓ Бир чой қошиқ янчил-ған занжабил (анис) уруғи устига бир стакан қайноқ сув қўйилиб, совутилади.

ди. Ҳар ярим соатда овқатланишдан 30 дақиқа олдин ичилади. Ундан иштаҳа очувчи сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.


✓ Тиббиётда қон босими ошганда деярли ҳар бир аёлнинг ҳомиладорлик даврида қон босими ошиб кетиши кузатишган. Қон босимининг ошиши бачадондаги ҳомилани қон, ҳаво ва озуқа билан таъминлаб турадиган томирларни сиқиб қўяди. Бу эса унинг ривожланиш жараёнига зарар етказари. Ҳомиладор аёлларга дориларни кўп ичиш ҳам тавсия этилмайди. Иложи борича табиий маҳсулотлар билан қон босимларини туширишлари маъқул.

✓ Қон босими ошганда ярим стакан янги сиқиб олинган лавлаги шарбатини (у икки соат музлаткида туриши керак) 1½ стакан асал билан аралаштириб, уч ой давомидида овқатланишдан 30 дақиқа олдин бир ош қошиқдан ичиб турилади.

✓ Пўсти билан қайнатилган картошканинг суви ичиблиб, қўрда пиширилгани истеъмол қилинади.

✓ Бир литр сувга 20 грамм ловия кўзоқлари солиниб, уч-тўрт соат давомидида қайнатилди. Совутилган 1½ стакандан кунига 4-5 мартадан ичиш тавсия этилади.

✓ 100 грамм уруғидан ажратиб олинган қизил дўланининг устига кечқурун икки стакан совуқ сув қуйилади. Эрталаб шу аралашма озроқ қайнатиб суви ичилади.



Ўғил бола туғилишини истасангиз

	Истеъмол қилинадиган маҳсулотлар	Мумкин бўлмаган маҳсулотлар
Сут ва сут маҳсулотлари	Пишлоқнинг тузланган тури, тузли сариеъ, тузли творог	Сут, йогурт, творог
Гўшти маҳсулотлар	Гўшти маҳсулотларнинг ҳамма тури	
Балиқ	Балиқ ва ярасининг ҳамма тури	
Тухум		Тухум ва тухумли ҳамма таом ва маҳсулотлар
Ёрма	Гречка, сули, манка, перловка, тарияқ	Гуручли, тарияқли
Нон ва ун маҳсулотлари	Ноннинг барча тури, макарон маҳсулотлари	Таркибиди сут бўлган барча қандолат маҳсулотлари
Сабзавот, мева, резаворлар	картошқак, кунжорин, шивит, оқ ловия, нўҳад, сон балиқ, помидор, лавлаги, карам, Гилос, шафтоли, беҳи	кўк салатлар, кўк ловия, сабзи, шолғом, пиеъ, бодрийг. Булғор қаламири, меванинг барча тури
Ичимликлар	Чой, қаҳва, кока-кола, мева шарбати	Маъданли сув, какао, сутли шоколад
Куруқ мевалардан	Қора олхўри, туршак, анжир.	Ўнгоқнинг бурча тури, бодом
Ҳар хил маҳсулотлар	Гўшти шўрва, асал, қанд, мураббо, тузли маринадлар	Сутли десертлар, музқаймоқ, сут.
	Бу маҳсулотларни кўпроқ тузлаб ейиш мумкин.	

Сизга қиз фарзанд керакми ёки ўғилми? Бунни олдиндан билиш мумкин, аниқроғи, бунни таъминлаш ҳар бир аёлнинг ўз қўлида экан. Қандай қилиб дейсизми? Тадқиқотларга кўра ҳомиладор бўлишдан икки ой олдин бўлажак она қўлидаги овқатланиш тартибига қатъий равишда риоя қилиши зарур бўлади.



Қиз бола туғилишини истасангиз

	Истеъмол қилинадиган маҳсулотлар	Мумкин бўлмаган маҳсулотлар
Сут ва сут маҳсулотлари	Йогурт, творог, кефир, твороғли масса, пишлоқ	Пишлоқнинг тузланган нави, тузли сариеъ
Гўшти маҳсулотлар		қолбасанинг ҳамма тури, шунингдек, дудланган ва тузланган гўшт
Балиқ	Донгиз ба дарё балиғи	Дудланган, қовурилган
Тухум	Тухум ва тухумли таомлар	
Ёрма	Гуруч, тарияқ	
Нон ва ун маҳсулотлари	Макарон маҳсулотлари ва қоқ нон	Тузли нон ва сухари, печенье
Сабзавот, мева, резаворлар	Янги ва консерваланган бақлажон, бодрийг, саримсоқпиез, ловия, булғор қаламири, пиеъ, шолғом, меванинг ҳамма тури, олма, нок, узум, малина	Лавлаги, карам, помидор, оқ ловия, дуккакли маҳсулотлар, жўхори, янчилган нухат
Ичимликлар	компот	Қаҳва, чой, газли, маъданли сувлар, пиво, шарбат
Турли маҳсулотлар	Асал, мураббо, шакар, экраворлар, хантал	Торт, оқ ва қора шоколад тузламалар, шивит, гўшти шўрва
	Бу маҳсулотларга туз қўшилмайди!	

Дилбар ва Гулбашакар тайёрлашди.

Японлар қандай тадқиқотларни ўтказишмайди, дейсиз. Бу мамлакатда ўз ишининг фидойилари албатта кўп. Уларнинг аксарияти эрталабда ювиниб-тараниб, хуш кайфият билан ишга отланадилар. Ишга

ХЕЙ, ЭРКАКЛАР, СИРИНГИЗНИ БИЛАМИЗ

ҳам барвақтроқ келишиб, ўзларини руҳан меҳнатга тайёрлаб турадилар. Ҳамкасблари билан илиқ саломлашиб, ҳазил-хузул қилиб туришга ҳам вақт топадилар.

Тадқиқотчилар ана шундай интизомли ва ўзининг қадрини биладиган ишчи ва хизматчилар ўртасида сўронома ўтказишиб, уларнинг оилавий шароитини, уй бекаларининг тутумларини ўргандилар. Натижа шундай бўлди-ки, уларнинг аксариятида оилавий муҳит соғлом экан. Эр-хотинни, хотин эрни ҳурмат қиларкан, оилада болалар тарбияси ҳам тўғри изга қўйилганлиги аён бўлди. Бундай ҳолат албатта оилада аялнинг зуққолигидан дарак бераркан. Оилада озодалик, саранжомлик ҳам жойида бўларкан. Эр-хотин бир-бирини

тани ҳам апил-тапил қилишиб, йўлга отланишаркан. Ишни бошлашга ўзларини маънавий тайёрлаб олишлари учун озгина фурсат керак бўларкан. Улар кела солиб бажарган ишнинг сифат кўрсаткичи бирмунча пастроқ бўларкан.

Хўш, уларнинг оилалари-чи? Бу соҳада сал бошқачароқ манзара кўзга ташланди. Оилада эр билан хотиннинг фикри бир-бирига тўғри келавермас экан. Уй бекалари кўпроқ ташқи дабдабага мойилроқ, ҳисоб-китоб ишларига, озодагарчиликка лоқайдорқ бўлишаркан. Тежамкорликни, ички имкониятларни ишга солишни ўрнига кўя олишмас эканлар. Эр-хотин қанчалик елиб-югуришмасин оилавий ҳаражатларни қоплашга зўрға улгуришаркан.

Аксарият ҳолларда оила бекасининг жиндай эринчороқ ва ўқувсизроқ эканлиги маълум бўлди. Улар кўпроқ вақтинги қўшиллар билан валаклашга ва телевизор кўришга сарфлашаркан. Фарзандлари ҳам мактабга кўнгироқнинг чалинишига етиб боришаркан ва дарсларни ўзлаштиришлари ҳам ўртамаёна бўлишлиги кузатилди.

Харқалай бу мамлакатда ҳам ишга кечикиброқ келадиганлар ҳам йўқ эмас. Тадқиқотчилар бундай кишиларнинг оилавий шароитини ўрганишганда, қизиқ манзарага дуч келадилар. Энг аввало ишга кечикиб қолувчи эркакларнинг тенг ярми соқолини олишга вақти бўлмаганлигини айтишган. Харқалай уларнинг кўйлақларини ёқаси ҳам озгина кирланганроқ бўларкан. Ишда ҳам фикрий теранлик кўрсатишга анча нўноқроқ бўлишаркан.

Энди уларнинг оиласига назар ташланадиган бўлса, умуман оила бекасининг тутимида пала-партишлик, режасизлик устун тураркан. Ҳар ҳафта сансала-мансала билан яқунланаркан. Яна шундай манзара кузатилди-ки, аксарият ҳолларда бундай оила бекаларида пазандалик маҳорати пастроқ бўларкан. Уйда аёл қандай бўлса, эркаклар ҳам, фарзандлар ҳам ана шундай бўларкан.

Демак, эркакнинг ишга етиб келишига ва ёқасига қараб, унинг жуфти-ҳалолининг ақл-фаросатини қандайлигини билиб олса бўларкан. Оилада аёл зукко бўлмаса, эркакларнинг ташқарида обрў-эътибор топишига, кадр-қимматининг ўсишига салбий таъсир этаркан. Шу боисданми, японларда шундай ибора бор экан: "Хей, эркаклар, сирингизни биланмиз". Бу иборанинг маъноси, ўзбеклардаги: "Хотининг ёмон бўлса ёқанг оқармайди", деган қисловнинг маъносига яқинроқ бўларкан.

КИМ ҚАНДАЙ ҲАҚ ҚИЛДИ? ОДАМЛАР ВА УДУМЛАР

ВОЙ, ЯПОНЛАР-ЕЙ!

Японларни агар бошлиқлари хафа қилиб қўйишса, уйига қайтгач, бошлиқнинг қиёфасига ўхшаш кўғирчоқ ясаб, уни аламидан чиққунча дўппослашаркан. Бу йўл билан ўзидаги асабий зўриқишни ҳайдаб, ховридан тушаркан.

Айрим японлар эса бундай хафагарчилик пайтида бошлиқнинг суратини қоғозга чизиб, уни тепкилаб аламидан чиқаркан. Баъзилар эса бошлиқнинг исмини қоғозга ёзиб, ундан бошлаб ўч олиш мақсадида, қоғозни чойшабнинг остига қўйиб, устида уларкан. Эрталабгача қоғоз йиртилиб, титилиб кетаркан ва шу билан анча энгил тортаркан. Бундан чиқди японларни узоқ умр кўриш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб туришида сир йўқ эмас экан-да.



ҚАЛАМПИР ИРҒИТИШГАН КҶШНИЛАР

Мексикада кўшни-кўшнилар уришиб қолишса, бир-бирларининг ҳовлисига қалампир ирғитишаркан. Бу мамлакатдаги удумга кўра, қалампир ирғитиш "сен ҳам қизишиб кетдинг, мен ҳам қизишиб кетдим. Ке, иккаламиз ҳам жадлимиздан тушайлик", деган маънони билдираркан.

Демак, иккала кўшни ҳам қалампир ирғитган бўлса, эртасигаёқ ярашиб олишаркан. Ярашаётганда албатта қалампирдан тайёрланган винодан чўқиштириб ичишаркан. Бу мамлакатда қалампир беғаразлик рамзи саналаркан. Агар кўшнларнинг бири қалампир ирғитмаган бўлса-чи? Ҳа кўшни бир дона қалампирга товукнинг патидан суқиб, томга олиб чиқиб кўяркан ва бундан энгил тортиб, боллаб ўчимни олдим, деб ўзига тасалли бераркан. Чунки тешилган қалампир ва унга суқилган пат: "Сендай жирраки одамни ҳурмат қилмайман. Обрў-эътиборинг дарз кетсин", деган маънони билдираркан.

ЭНГ ДАҲШАТЛИ ҲАҚ

Жанубий Африка республикасида яшовчи қора танлилар орасида шундай удум бор экан. Агар шомонлар қабила вакилларида кимдидир ноҳақ хафа қилиб қўйган бўлса, шомоннинг остонаси ўн икки кунгача (ой янгилангунча) қаттиқ кўриқланаркан.

Чунки шу вақт ичида хафа бўлган киши ёки унинг фарзандлари шомоннинг остонасига қашқирнинг суюгини кўмиб келса, бу жуда қаттиқ ҳақорат ҳисобланади: "Гўштинг қашқирларга ем бўлсин", деган маънони аңглатаркан. Бундай ирим уларнинг узоқ авлодларидан сақланиб қолган экан. Агар хафа бўлган киши ўн икки кунгача шомоннинг остонасига қашқир суюгини кўма олмаса, уни оловга куйдириб юбориб "қашқирлар подшоҳи шомонга раҳм қилди", дея ўзини овутиб оларкан.

ШИМОЛДА ҲАҚ ТУШИЛСА, КҶЗИ ОЛАЯДИ - ДА

Шимолда яшовчи тунгус халқида аёллар ўзаро жанжаллашиб қолишган бўлса, ўч олиш учун кун ботай деган паллада бир-бирларига пўстиннинг орасидан кўзини олайтириб қарашаркан. Бу қараш, ўтовинг тешилиб, кўзинг олайиб қолгур дегани бўларкан. Ростдан ҳам шимолнинг совуғида ўтовни тешилиб қолса, кўзининг олайиб қолиши ҳеч гап эмас-да. Нега айнан кун ботай деган паллада дерсиз? Чунки бу халқнинг удумида бу пайтда инсу-жинслар дайдиб, хавф-хатар ортган вақт бўларкан.



Синалган ҳақиқатлар

қўллашиб, оилавий мижозларга йўл қўймай яшашаркан. Аксарият ҳолларда бошқалардан қарз олмай, пухта ҳисоб-китоб билан ширин турмуш кечиришаркан. Яна бир ҳудди шундай тадқиқот тўппа-тўғри ишининг бошланишига етиб келадиган кишилар устида ўтказилди. Улар соч тарашида, кийимларининг дазмонлинишида, бўйинбоқларнинг бойланишида жиндай палапартишлик бўларкан. Одатда нонуш-

СИЗ АЛБАТТА ЁҚАСИЗ

*Агар тушингизда қайчини кўрсангиз, узил-кесил қарор қабул қилишингизга бўлган ишорадир. Севгингиз сизнинг ҳар қандай шартингизни қабул қилади. Боласини излаган нор туядек атрофингизда парвона бўлади. Агар қайчи ҳафтанинг тоқ кунинда тушингизга кирса, севги бир томонда, агар жума кунда тушингизга кирса, севги икки томонламадир. *Тушга кирган атиргўл яхшиликдан нишондир. Севгингиз сиз ҳақингизда кўп ўйлаётган бўлади. Тушида атиргўлни хидлаган киши учун висол онлари яқиндир.

Билингики, ўз севгилингизга албатта ёқасиз. Олдингизда яхши кунлар кўришган бўлади. Кўнлар олдида юзингиз ис-сик, обрў-эътиборингиз юқори бўлади. Аммо тушни бировга айтманг. *Тушингизга балиқ ёки илон кирса, бу бахтдан, чиройли турмушдан дарак беради. Балиқда показалик бор. Демак, севгилингиз ўзингизга муносибдир ва бунга ҳеч шубҳа бўлмаслиги керак. Илон эса давлатингиз зиёда бўлишига ишорадир. Сиз учун ҳар қандай хархаша ортиқчадир. Севгилингиз тақлифига рози бўлаверинг. Муроса бахтингизга қафолдир. *Тушингизда яйловдаги қўйларни кўрсангиз

ёки уларни боқиб юрсангиз, сиз учун омадли кунлар яқиндир. Ўзингиз кутмаган инсонни учратасиз ва уни севиб қоласиз. У ҳам сизнинг висолингизга муштоқ бўлади. Уни севиб хато қилмайсиз. *Тушингизга кирган пичанзор сиз севган инсоннинг феъли кенг ва кўнгли юмшоқлигидан дарак беради. Севгингизга озор етмайди ва муҳаббатингиз яхши кунлар билан боғлангандир. Бу тушни тонг пайтида кўрсангиз, севгилингиз билан тез орада никоҳдан ўтиш учун шарт-шароит яратилган бўлади.

Саҳифани К.НИШОНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
 Табриклар, эълонлар: 133-04-50
 Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
 Бухгалтерия: 132-07-41

Манзилими: Ташкент - 700000
 Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Ташкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
 Буюртма Г - 139. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 15856
 Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
 Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
 Навбатчи — Т. НОРИМОВ
 Мусоҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6